Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 14 март, сешанба №32 (21.795.) Сотувда эркин нархда.

КОПЕНГАГЕНДАГИ УЧРАШУВ: «БЕЛЛА-МАРКАЗ» УМИД РАМЗИ БЎЛИБ ҚОЛДИ

Дания пойтахти Копенгагенда олий даражадаги мислсиз учрашувда 130 дан ортиқ давлатлар ва ҳукуматларнинг ҳамда халқаро ташкилотларнинг бошлиқлари иштирок этди. Учрашув куч-ғайратларини бирлаштириш юзасидан декларация ва ҳаракат дастурини қабул қилиш билан ниҳоясига етди. Учрашувни бу йил ташкил этилганига 50 йил тўлишини нишонлайдиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уюштирди. Бу қадар кўп давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган учрашув жуда муҳим умумбашарий муаммога — инсониятнинг ижтимоий тараққиётига бағишланди.

... Анжуман ташкилотчилари Европадаги энг йирик кўргазма мажмуаларидан бири — «Белла-Марказ»да ўтган олий даражадаги учрашув рамзи сифатида гўёки ёш бола қўли билан чизилган оддийгина суратни танлаб олдилар. Бу суратда учта кулгили митти одам қуёш нурлари остида бир-бирининг қўлини ушлаб, гўёки зинадан Ер курраси бўйлаб тушиб келмоқда. Бу тасвир юксак даражадаги анжуманнинг ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш, мавжуд тенгсизликни ва тобора кучайиб бораётган бой ҳамда камбағал мамлакатлар ўртасидаги ажралишни тугатиш вазифасига тўла-тўкис мос келади. Чунки айни шу тафовут, қашшоқлик, очлик, ижтимоий тенгсизлик муқаррар равишда можароларга олиб келади. Бундай можароларга сайёранинг турли нуқталарида келиб чиқмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий шу ҳақда гапириб, XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон моддий соҳаси мислсиз тараққиётнинг гувоҳи бўлди, деди. Бироқ ҳозирги пайтда яна бир нарса равшан бўлиб қолди: умуман тараққиёт соҳасидаги барча саъй-ҳаракатлар ҳам кутилган ўзгаришлар содир бўлишига олиб келгани йўқ. «Турмуш» тушунчаси «ўзгариш» тушунчасига ҳамоҳанг бўлса ҳам ҳозирги кунда ўзгаришларнинг мислсиз кўламлари ва шиддати фақат ҳайратга соларли тараққиётгагина эмас, шу билан бирга ҳаддан ташқари ночорлик ва мушкулликка ҳам сабаб бўлмоқда.

Б. Ғолий аниқ рақамларга асосланиб гапирди. Чунончи, сўнгги йилларда бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовут кучайиб, 1960 йилдаги 13:1 дан ҳозирги 10 йилликда 60:1 га етди. БМТ бошлиғи аслини олганда 3 та асосий омил «ижтимоий номувофиқлик»га олиб келди, деб ҳисоблайди. Бу омиллар кўпроқ ишсизликда намоён бўлаётган ижтимоий тараққиёт истиқболининг ноаниқлиги, қашшоқликка ва тенгсизликка олиб келган ижтмиоий адолатни таъминлай олмаслик ҳамда жамиятнинг табақаланиши ва парчаланиши натижасида вужудга келадиган ижтимоий осойишталикка қарши хавф-хатарнинг кучайиб бораётганидир. Буларнинг ҳаммаси инсониятнинг XXI асрда (ҳозир шу аср бўсағасида турибмиз) моддий равнақ йўлидан олга ҳаракат қилишини жиддий шубҳа остига қўяди.

... «Белла-Марказ» — катталиги бир неча футбол майдонига тенг келадиган, томи гулдор ойнадан барпо этилган улкан иморатдир. Анжуман кунларида у жуда гавжум бўлди. Минбарга чиқишдан озод бўлган делегация бошлиқлари бошқа мамлакатлар Президентлари ва Бош вазирлари — касбдошлари билан учраши учун имкониятдан тўла-тўкис фойдаланишга ҳаракат қилишарди. Дания хавфсизлик хизмати Копенгагенга давлат бошлиқлари билан келган минглаб журналистларни бу ерга текшириб ўтказди. Қатъий тартиб эса бирор дақиқа бўшашишга йўл қўймасди. На Президентлар, на уларга ҳамроҳлик қилаётган шахслар лоқайд бўла оларди.

Ҳар галгидек Гельмут Коль табассум билан ўтди, Украина делегацияси ташвишланиб тез ҳаракат қилди. Лекин... уларнинг рўпарасидан Ўзбекистон Республикаси делегацияси келарди. Ислом Каримов ва Леонид Кучма бир-бири билан самимий саломлашди. Иккаласи бир дақиқа яккама-якка сўзлашди ва сўнг яна олдиндан белгиланган дастур бўйича учрашувлар давом этди.

... Фидель Кастро ўз соқчиларининг тигиз қуршовида ўтади. Ўзини дадил тутишга ҳаракат қилишига қарамай, йиллар ўтиши билан Куба раҳбари ҳам кексайиб қолгани кўриниб турибди. Аммо, у олий даражадаги учрашувда ўз қоидаларига содиқ қолди. Сўзга чиқиб, бозор иқтисодиёти жамиятга фақат зарар етказади, шу сабабли Куба халқи шимолдаги қўшниси томонидан бўлаётган хавфга ва собиқ СССРнинг сотқинлигига қарамай, танлаб олган йўлидан қайтмайди, деди. Нима ҳам дердик, ҳар ким ўзига хос фикрлайди.

Ислом Каримов анжумандаги асосий нутқидан ташқари бир неча учрашув ўтказди. Ўзбекистон делегацияси Копенгагенда бўлган салкам икки кун ичида бир неча ҳафтага етарли воқеа содир бўлди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори доктор Накажима, Болгария Президенти Ж. Желев, Покистон Президенти А. Леҳғари, Туркия Президенти С. Демирэл, ЮНЕСКО бош директори Ф. Майор, Эрон ташқи ишлар вазири А. Вилоятий, бошқа таниқли сиёсатчи ва жамоат арбоблари билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбарининг АҚШ делегацияси бошлиғи, шу мамлакатнинг вице-президенти А. Ғор билан суҳбати қизиқарли бўлди. Ислом Каримов уни шу йил сентябрь ойида Нукусда БМТ ҳомийлигида ўтказиладиган Орол муаммоларига бағишланган конференцияда иштирок этишга таклиф қилди. Альберт Гор Орол фожеасидан жуда яхши хабардор. У Ислом Каримовга ўз вақтида Нукус ва Мўйноққа сафар қилгани ҳақида сўзлаб берди. Альберт Гор суҳбатда Орол муаммоси жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида туриши ва барча мамлакатлар иштироқида ҳал этилиши лозимлигини таъкидлади.

***

Ўзбекистон Президентининг Копенгаген учрашувидаги нутқи иштирокчиларда катта қизиқиш уйготди. Ислом Каримов жаҳонда чуқур ижтимоий зиддиятлар мавжудлиги тўғрисида гапириб, бунинг бир неча асосий сабаблари борлигини кўрсатиб ўтди. Бу нуфузли анжуман энг аввало давлат бошлиқларининг ижтимоий тараққиёт, ижтимоий адолат қоидаларини тасдиқлаш мумкинлиги юзасидан муҳоҳаза ва ўз ёндошувларини баён қиладиган жой эди.

Ҳозирги пайтда тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан эркин бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш даврининг мураккаб вазифаларини ҳал этаётган собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги давлат ва халқлар учун бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

— Ижтимоий ва фуқаролар тотувлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳозирги пайтда давлатчиликни тиклаш ва мустаҳкамлаш ҳамда адолатли ижтимоий тузумни ўрнатиш учун чиндан ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, — деб таъкидлади И. Каримов. Шу сабабли мамлакатда мустаҳкам ижтимоий барқарорликни сақлаб туриш, ислоҳотлар дастурини изчиллик билан амалга ошириш, демократик тартибни мустаҳкамлаш асосий омилдир. Ҳозир юздан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат 23 миллион киши яшайдиган Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат айни шу нуқтаи назардан шакллантирилмоқда. Қисқа даврда — мустақил ривожланишнинг 3,5 йили давомида биз жамиятимизни янгилаш ва юксалтиришга асос қилиб олинган асосий тамойилларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик, — деди И. Каримов. — Иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни мафкурадан тўла холи қилиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги, мамлакатда ислоҳотларнинг аста-секин ва босқичма-босқич ўтказилиши, «фалаж қилиб даволаш» деб аталган усулнинг биз учун мақбул эмаслиги бу тамойилларнинг энг муҳимларидир. Бошқача қилиб айтганда, биз ижтимоий ларзаларни истисно этадиган тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олдик. Миллий ва нуфус хусусиятлари ҳисобга олинса — жамиятнинг ҳаддан ташқари табақаланишига йўл қўймайдиган, аҳолининг эҳтиёжманд табақалари манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш бизнинг шароитимизда айниқса муҳимдир.

Ислом Каримов Копенгаген анжуманида Ўзбекистонда Соғлом авлод учун ҳаракати зўр куч билан қўллаб-қувватланиб ва ривожланаётгани ҳақида гапирди. Она соғлом бўлса — фарзанд ҳам соғлом бўлади. Бундан ҳам қимматли нарса борми?

Ислом Каримов давлат ва ҳукумат бошлиқлари, журналистларнинг эътиборини Ғарбдаги айрим мамлакатларда Шарқ аёли тўғрисидаги тушунча баъзан нотўғри ва бирёқлама талқин қилинишига қаратди. Муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида аёлга — она, меҳнаткаш инсон, жамоат ва давлат арбоби сифатида қаралади ҳамда бу — давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бугунги кунда Ўзбекистон парламенти, ҳукумати, маҳаллий ҳокимият органлари, соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарлари орасида хотин-қизлар муносиб ўрин эгаллаб тургани ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Ислом Каримов ёш мустақил давлатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик тўғрисида гапириб, ижтимоий тараққиётга халқаро ёрдамни ташкил этиш тизими зарур ўзгартишлар киритишни талаб қилаётганини таъкидлади. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон банки, халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё банки каби йирик халқаро ташкилотларнинг имкониятлари ва нуфузига кўпроқ суяниши лозим. Муҳтож, эҳтиёжманд аҳолига турли сиёсий ва баъзан субъектив сабаблар билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳоллари учраб турибдики, бундай ҳолларни тугатиш жуда муҳим масаладир.

— Жаҳоншумул ижтимоий муаммоларни минтақавий муаммоларни ҳал этиш йўли билан ҳал қилиш зарур, — деди И. Каримов. Бу — оламшумул муаммолар оддий нарсаларни ҳал қилишдан бошланади, деган гапдир.

Шундан кейин Ўзбекистон раҳбари умумбашарий моҳият касб этган Орол фожеаси муаммосига тўхталди. Чунки, сўнгги йилларда денгиз ҳажми уч мартадан ошиқроққа қисқариб кетди. Сувни тозалаш масаласи эса, тўрт баравар ошди. Бу — икки миллион гектар майдондаги ҳосилдор ерни йўқотиш деган гап. Бугунги кунда Оролдан кўтарилаётган туз ва чанг 500, ҳатто ундан ортиқ километр масофага етиб бормоқда. Демак, 60 миллиондан зиёд инсон истиқомат қилаётган минтақадаги экологик вазиятни тартибга солиш жаҳон ҳамжамиятининг фаол иштирокисиз ҳал қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида тилга олган масалалардан яна бири — ҳозирги замонда авж олган миллатлар ва минтақаларо қарама-қаршиликлар ҳамда урушларнинг олдини олиш борасида ҳамжамият амалга ошираётган сиёсатга дахлдордир. Ислом Каримов юксак даражадаги учрашув иштирокчилари диққатини Тожикистон ва Афғонистондаги аҳволга жалб этди. У учрашув иштирокчилари диққатини бу давлатлар ўртасидаги мавжуд вазият минтақавий хусусиятгагина эга бўлиб қолмай, Европа ҳамда бошқа Ғарб мамлакатлари манфаатларига ҳам алоқадор эканига жалб этди. У бу ердаги қарама-қаршилик минтақавий хусусиятга эга бўлиб, Европа, ҳамда бошқа ғарбий мамлакатлар манфаатларига алоқадор эмас, деган тушунчалар хато эканини ҳам қайд этди. Минтақада яшаётган миллионлаб одамлар очлик, муҳтожликка маҳкум. Бу ҳол нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда барқарорлик ва хавфсизликни ларзага солиши мумкин бўлган ижтимоий омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам бу минтақа бугунги кунда Европа ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларига наркотик моддаларни жўнатадиган ўзига хос йўналишлардан бири бўлибгина қолмай, халқаро наркобизнес ва ажал қуроли савдоси билан шуғулланадиган жиноят гуруҳлари учун қулай йўлга ҳам айланган.

... Копенгаген учрашуви ташкилотчилари «Белла-Марказ»даги мажлислар залининг расмий делегациялар кириб келадиган жойига дунёнинг турли мамлакатлари болалари чизиб БМТга юборган расмларни осиб қўйишган экан. Бу расмлар ижро, миллий урф-одатлар ҳамда хусусиятлар жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, уларнинг барчасини бир нарса — тинчлик-тотувлик, бахт-саодат ҳамда тўкин-сочин яшаш истаги бирлаштиради. Чунки, болаларнинг олий тилаги ана шундан иборат. Анголалик 10 яшар қизча юборган сурат айниқса ёдимизда қолди. Қизалоқ нигоҳини ёнғин ҳамда тутунларо балқиб турган, барчага баробар нур сочиши лозим бўлган қуёшга қаратган эди.

Хуллас, меҳмондўст Дания пойтахтидаги кўкламнинг совуқ кунларида ўтган олийжаноб учрашув ниҳоясига етди. Муҳокамага ҳавола этилган муаммоларга қарашларнинг турличалигидан қатъи назар, Копенгагенда жаҳон ҳамжамиятига аъзо барча мамлакатларнинг ижтимоий масалаларни ҳал қилишда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга ҳамкорлик майли намоён бўлди. Бу масалаларнинг барчаси сайёрамиз фуқаролари, келажак авлодларимиз манфаатларини кўзда тутади.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА.
Тошкент-Копенгаген-Тошкент.

***

СУРАТЛАРДА: Президент И. Каримов «Белла-Марказ»да маъруза қилаётган пайт; Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг Бош директори Федерико Майор билан.

Суратларни Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган.

ХАЛҚ ХОҲИШИ ИФОДАСИ

Жиззахда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари ва бошқармалари бошлиқлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, жамоа ва ширкат хўжаликлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси якунлари, республика Президенти Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган маърузасида баён этилган вазифалар, шунингдек, Президент ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш бўйича шу йил 26 март куни умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақидаги сессияси қарорини бажариш юзасидан вилоятда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар муҳокама этилди.

Мазкур масала юзасидан маъруза қилган вилоят ҳокими А. Тошкенбоев ва сўзга чиққанлар Олий Мажлис биринчи сессияси қарорлари вилоят меҳнаткашлари томонидан катта қизиқиш билан ўқиб ўрганилаётгани, улар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янги поғонага кўтаришга, республикада барқарорликни таъминлашга, шунингдек, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганини таъкидладилар.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган 100 та қишлоқ, 600 та маҳалла фуқаролар йиғинларида, саноат корхоналарида бўлиб ўтаётган учрашувлар, суҳбатлар, митингларда сессия қарорлари маъқулланиб, 26 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси референдумида фаол иштирок этиш истаклари билдирилмоқда.

Фаоллар йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов фаоллар ҳузурида нутқ сўзлади.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Юнусов, Д. Ғуломова қатнашди.

(ЎзА).

***

Кеча Навоий вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари раҳбарлари шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоятдаги сиёсий партиялар кенгашларининг биринчи котиблари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Йиғилишда вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси биринчи сессияси якунлари ва юртбошимизнинг сессиядаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда умумхалқ референдумини вилоятда уюшқоқлик билан ўтказиш борасидаги масалалар юзасидан маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда Навоий шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Б. Ҳамдамов, Томди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати А. Назаров, Марказий кон бошқармаси бошлиғи Г. Прохоренко, вилоят прокурори Б. Колонов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бўтров, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош прокурори Б. Мустафоев ва бошқа масъул кишилар иштирок этди. Йиғилиш якунида И. Жўрабеков юртбошимиз амалга ошираётган хайрли ишлар, у олиб бораётган одилона сиёсат ва республикамиздаги барқарорлик ҳамда тинч-осойишталик ҳусусида нутқ сўзлади. Вилоят фаоллари йиғилиши республика Президенти И. А. Каримов номига мурожаатнома қабул қилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

БУХОРО вилоят фаоллари йиғилиши истиқлол шарофати туфайли кейинги уч ярим йилда вилоятда амалга оширилган ўзгаришлар, шунингдек, бу борада ечимини кутаётган муаммолар таҳлилига бағишланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими М. Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси якунлари ва мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг сессиядаги Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида маъруза қилди. Маърузада таъкидланганидек, вилоятда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, маданият ва маърифат ишларини жонлантириш, меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш борасида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. Айни кунгача 4100 дан зиёд корхона ва ташкилот, кичик ишлаб чиқариш корхоналари хусусийлаштирилгани шундан далолат бериб турибди. Жанубий Корея, Греция, Болгария, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан ҳамкорликда барпо этилган қўшма корхоналар вилоятда сифатли маҳсулотлар қўламини кенгайтирмоқда. Шулар билан бирга вилоятда ислоҳотлар йўлига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам мавжудлиги таъкидланди. Хусусан, айрим банклар фаолияти меҳнаткашлар эътирозига сабаб бўлаётир. Қишлоқ хўжалиги мажмуида баъзи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайиб кетгани ва шу каби камчиликларни тугатиш юзасидан йиғилишда чора-тадбирлар белгиланди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Олий Мажлиси қарорлари кутаринки руҳ билан қарши олингани, шаҳарларда, қишлоқларда, кўплаб корхона ва ташкилотларда ўтаётган митинг ва йиғилишларда Президент ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги сессия қарори қўллаб-қувватланаётгани ҳақида гапирдилар.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков фаоллар ҳузурида нутқ сўзлади.

Фаоллар йиғилишида Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Б. Бўтров иштирок этди.

***

Бугун Самарқандда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унинг қатнашчилари вилоят ҳокими П. Абдурахмоновнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси якунлари, республика Президенти Ислом Каримовнинг сессиядаги нутқида баён этилган вазифалар, 26 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик ҳамда уни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари бўйича қилган маърузасини тингладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси мамлакатимизнинг давлат мустақиллиги мустаҳкамланаётган, халқаро нуфузи ортиб бораётган, аҳоли ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш орқали жаҳон андозаларига монанд янги иқтисодиётни вужудга келтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётган бир пайтда бўлиб ўтгани таъкидланди.

Йиғилишда қайд этилганидек, вилоятда Ўзбекистоннинг жаҳондаги сиёсий мавқеини кўтариш ва мустаҳкамлаш, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, маънавий юксалишга эришиш йўлида кўп иш қилинмоқда. Саноат корхоналарини қишлоқ жойларига олиб бориш, маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик ва хусусий корхоналар тармоғи кенгаймоқда.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш изчил давом этмоқда.

Лекин таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бугуннинг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Хўжалик юритиш тизимини жадал янгилаб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини ҳали ҳам кўпчилик тушунмаётир. Саноатда қарамликдан қутулиш секинлик билан ҳал этилаётир. Ҳокимлар ва раҳбарлар бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашга етарли эътиборни қаратмаяптилар. Фаоллар мавжуд нуқсонларни бартараф этиш юзасидан қимматли таклифларни ўртага ташладилар. Вилоят аҳлини 26 март кунги республика референдумида фаол қатнашишга даъват этдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов фаоллар ҳузурида сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Р. Юнусов, Д. Ғуломова қатнашди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМЛАРИ

ЖИЗЗАХ. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузаси ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вилоят партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди. Бу ҳақда ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Г. Субҳонова маъруза қилди.

Пленум қатнашчилари Олий Мажлиснинг республика Президенти ваколатлари муддатини узайтириш бўйича қарорини маъқуллаб, партия аъзолари ва барча фуқароларни 26 март куни умумхалқ референдумида фаол қатнашишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилиши учун овоз беришга даъват этдилар.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

НАМАНГАН. Бу ерда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан, Олий Мажлиснинг республика Президенти ваколатлари муддатини узайтириш бўйича 1995 йилнинг 26 мартида умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги қароридан ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленумининг ушбу масалалар юзасидан йўл-йўриқларидан келиб чиқувчи вазифаларини муҳокама этдилар. Бу ҳақда Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби Н. Қозоқовнинг маърузаси тингланди.

Пленум қатнашчилари мамлакатимиз парламентининг шу йил 26 мартда умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, партия аъзолари, барча фуқароларни референдумда фаол қатнашишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилиши учун овоз беришга даъват этдилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда, шунингдек, партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

Шу куннинг нафаси

Янгиликлар воқеалар хабарлар

Кадрият

ҒАЛЛАОРОЛДА ҚУЁШ ТАҚВИМИ

ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Самарқанд ва Жиззах вилоятлари чегарасидан кенглик чизиғи ўтганлиги маълум. Катта йўлнинг шимолий томонида табиий САК тақвими жойлашгани ҳақида тарихчилар чорак асрдан бери гапириб келадилар. Қуёш тақвими, деб ном олган тошлма харобалари милоддан илгари II асрда яратилганлиги исботланган.

Бу тақвим тарихда фан жуда ривожланганлигидан нишона. Унинг ёрдамида фасллар алмашинуви, йилнинг кириши, ойларнинг ҳолати, об-ҳавонинг ўзгариши кузатилган. Йилнинг ҳар бир кунига изоҳ берилган. Дунёда бундай табиий тақвимнинг йўқлиги кўпчиликни лол қолдирмоқда. Зеро, вақт ўтиши билан тақвим нураган. Лекин истиқлол туфайли табиий обидага эътибор кучайди. Ғаллаорол тумани ҳокими халқ тилида «Шохидтепа» деб аталадиган жойдан 3 гектар ерни тақвимни ўрганиш учун ажратишга қарор қилди.

— Бу жойни маданий мерос сифатида халқаро туризм манзилгоҳига айлантириш мумкин, — дейди республика «Маънавият-маърифат маркази» вилоят бўлими бошлиғи, профессор У. Носиров. — Олимлар қуёш календари бўлган жойнинг харитасини яратдилар. Топилмани қайта тиклаш имкониятлари бор.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Хусусийлаштириш

ТАДБИРКОРГА ЕР БЕРИЛСА

ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Шаҳардаги кўча ва майдонлар, уй-жой бинолари ва иншоотлар олдида турли бўш майдонлар бўлади. Хусусан, Фарғона тўқимачилик корхонаси ўйингоҳи билан Қувасой кўчаси оралиғидаги қаровсиз майдонча ҳам ана шундай жойлардан саналади. Хусусийлаштириш муносабати билан бундай жойларни тадбиркорларга пуллашга қарор қилинди.

Шаҳардаги «Тадбиркорбанк» биносида уюштирилган республика кўчмас мулк биржаси Фарғона шуъбаси ҳамда вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамкорликда ташкил этган кимошди савдоси ишбилармонларни жалб этди. Бу ерда биринчи марта маиший хизмат ва савдо дўконлари қурилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ер майдонлари савдога қўйилди. Шунингдек, тайёр савдо дўконлари, транспорт воситалари, чорвачилик мажмуалари, меҳмонхона ва бошқа иншоотлар ҳам савдога қўйилди. Тадбиркорлар 1 миллион 268 минг сўмлик кўчмас мулк ва транспорт воситаларини сотиб олдилар. Шундай қилиб, бўш майдонларда дўкон, новвойхона, сартарошхона ва кир ювиш хоналари қад ростлайдиган бўлди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ўтмиш садоси

ТАНГАЛАР СЎЗЛАГАНДА

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Қадимий шаҳардан 23 километр жануби ғарб томонда, Қоратепа тоғ туманлари дараларидаги Тепақўл қишлоғида ноёб тангалар топилди. Маълум бўлишича, бу тангалар эрамиздан аввал тайёрланган экан.

— Ўтган йил ёзида Самарқанд дорилфунуни археология кафедраси доценти Очил Иброҳимов бу ерда қидирув ишлари олиб борди, — дейди экспедиция раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Мавлон Жўрақулов. — Ковлаш натижасида синиқ хумда Қорахонийлар даврига мансуб 28 дона мис танга топилди. Тангалар Қорахонийлар сулоласи томонидан, аниқроғи Моваро-ннаҳрда ҳокимлиқ қилган Тўғли-Текин томонидан хижрий 403-404 йилларда зарб қилинган. Пул ясаладиган бинонинг қолдиқлари ҳам сақланган экан. Ўрганилишича мўғул-татарлар босиб олгунига қадар, яъни 1220 йилгача бу ерда каттагина шаҳар бўлган. Танга топилган хоналар саҳнига пишиқ ғишт терилган. Шаҳар ҳудуди 5,5-6 гектар бўлган. Қадимий шаҳарга хос белгилар: марказий арк, атроф кўчалар, мудофаа деворлари ва дарвоза излари ҳам бор. Шаҳар Самарқанд-Керч (Қарши) йўли устидаги савдо ва мудофаа маркази бўлган бўлиши мумкин.

Фармон ТОШЕВ.

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV Пленуми биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг унда қилган маърузасини партиямиз аъзолари, фаолларимиз томонидан чуқур ўрганишни ташкил этиш тўғрисида тавсия берган эди.

Бугун биз ушбу ҳужжатларни ўрганишни ташкил этувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида сиёсий тўгараклар, мулоқот клублари, партия ўқувининг бошқа шакллари фаолиятининг Намунавий режасини эълон қилмоқдамиз.

Машғулотларни уюштиришда маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиш ҳамда муайян маъмурий ҳудуд, меҳнат жамоаси фаолиятига доир мисол ва далиллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ I СЕССИЯСИ ҲУЖЖАТЛАРИ ҲАМДА ПРЕЗИДЕНТ И. А. КАРИМОВНИНГ УНДАГИ МАЪРУЗАСИДА БАЁН ЭТИЛГАН ХУЛОСА ВА ҚОИДАЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ НАМУНАВИЙ РЕЖАСИ

№	Мавзулар номи	Ажратилган вақт (соат)	Машғулот шакли
1.	1995 йил 26 мартга тайинланган умумхалқ референдумининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик идораларига бўлиб ўтган сайловларнинг асосий якунлари	2	суҳбат
2.	Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўли: ютуқлар ва муаммолар	1	маъруза
3.	Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи (хусусиятлар ва вазифалар)	2	маъруза
4.	«Ўзбекистон янги аср бошида» ривожланиш дастури қандай бўлиши лозим?	1	давра суҳбати (эркин муҳокама)
5.	Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов миллий маънавиятни шакллантиришнинг асосий вазифалари тўғрисида	2	мулоқот
6.	Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1 сессияси қарорларининг бажарилишида Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг ўрни ва вазифалари	2	мулоқот

Жами 10 соат

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессияси қарорлари. «Ўзбекистон овози», 1995 й., 25 февраль.

И. А. Каримов. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. «Ўзбекистон овози», 1995 й., 25 февраль.

Э. Х. Халилов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси I сессиясида сўзланган нутқ. «Ўзбекистон овози», 1995 й., 25 февраль.

Умумхалқ референдуми ҳақида, «Ўзбекистон овози», 1995 й., 1 март.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XIV пленуми қарорлари. «Ўзбекистон овози», 1995 й., 1 март.

А. Жалолов. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси I сессиясидаги маърузасидан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари. «Ўзбекистон овози», 1995 й., 1 март.

Ўзбекистон янги аср бошида. «Ўзбекистон овози», 1995 й., 11 март.

Иқтисодиёт ишончли қўлларда бўлиши керак. «Ўзбекистон овози», 1995 й., 28 февраль.

Халқ — ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаидир. «Халқ сўзи». 1995 й., 8 март.

Қишлоқлардан — агрошаҳарчаларга. «Халқ сўзи», 1995 й., 10 март.

«Событие исторического значения. «Правда Востока», 1995 й., 2 март.

ЧИНГИЗ АҲМАРОВ

Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон халқ рассоми, давлат мукофотлари совриндори, профессор, устоз санъаткор — Чингиз Аҳмаров 13 март куни 83 ёшида вафот этди.

Чингиз Аҳмаров 1912 йил Челябинск вилоятининг Троицк шаҳрида туғилди. 1927-1931 йиллар Пермь шаҳрида бадиий техникумда таҳсил олди. Ижодий фаолиятини 1931 йили Самарқанд шаҳрида бошлади.

1948 йилда Суриков номидаги Москва бадиий институт аспирантурасини тугатиб, санъатшунослик номзоди илмий даражасини олди. Шундан сўнг Тошкент шаҳрида Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим, Беньков номидаги бадиий билим юртида ўқитувчи, Ўзбекистон Рассомлар уюшмасида раис муовини, Тошкент политехника институтида кафедра мудири, Тошкент санъат институтида профессор лавозимларида ишлади.

Чингиз Аҳмаров Ўзбекистонда Шарқона миллий рассомлиқ санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган улкан санъаткорлардан эди. У қадимги миниатюра анъаналарини давом эттириб, замонавий услублар билан бойитган ҳолда ўзига хос янги бадиий мактаб яратди.

Чингиз Аҳмаров республикамиздаги кўзга кўринган ўнлаб ҳашаматли биноларни монументал деворий суратлар билан безади. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат опера ва балет Катта театри, Беруний номидаги шарқшунослик институти, Ҳамза номидаги санъатшунослик институти, Тошкент метросининг Навоий бекати ва бошқа иншоотлар унинг бетакрор санъати билан жило топган.

Чингиз Аҳмаров ўнлаб ёш рассомларга мураббийлик қилди.

Чингиз Аҳмаровнинг кўп йиллик ижодий фаолияти ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ рассоми» фахрий унвонига мушараф бўлган, бир неча маротаба давлат мукофотлари, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Унга «Татаристон халқ рассоми» фахрий унвони ҳам берилган.

Ажойиб санъаткор, меҳрибон устоз, камтарин инсон Чингиз Аҳмаровнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида абадий қолади.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, А. МУТАЛОВ, Х. ЖЎРАЕВ, С. САИДҚОСИМОВ, Э. ҲАЙИТБОЕВ, Р. АҲМЕДОВ, С. АБДУЛЛАЕВ, Б. ЖАЛОЛОВ, Т. МИРЖАЛИЛОВ, Ж. УМАРБЕКОВ, Р. ЧОРИЕВ.

Бугун Тошкентда республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши ўз ишини бошлайди

МАЪМУРЧИЛИК МАНБАИ

Бугун Тошкентда республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши ўз ишини бошлайди.

Ҳозир мамлакатимизда барча тоифадаги хўжаликларда парвариш қилинаётган чорва моллари ва паррандаларнинг умумий сони 6,5 миллион бошни ташкил қилади. Шундан 1,8 миллиони жамоа, 4,7 миллиони аҳоли ва шахсий фермер хўжаликларига тўғри келади. Парвариш қилинаётган чорва моллари ўзининг табиий иқлим шароитларига яхши мослашганликлари ҳамда ҳар хил касалликларга чидамлиликлари билан биргаликда юқори ирсий маҳсулдорлик хусусиятларига эга. Лекин мавжуд моллларнинг маҳсулдорлик имкониятларидан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Амалда уларнинг мавжуд маҳсулдорлик хусусиятларининг атиги 65—70 фоизи ишга туширилган. Бу борада озуқа базасининг ночорлиги мавжуд резервлардан фойдаланишга салбий таъсир этмоқда. Моллар маҳсулдорлигини жадал кўпайтиришга қаратилган технологик усуллардан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш имкониятлари яратилмади.

Чорва молларини тўйимли озиқлантириш ва уларнинг мавжуд маҳсулотларини юзага чиқариш учун ҳар бир шартли мол ҳисобига (йил давомида озиқлантириш учун) 38—40 центнер озуқа бирлигида озуқа тайёрланиши керак. Шу ҳисобдан жами чорва моллари ва паррандаларга йил давомида тўйимли озиқлантириш учун 25—26 миллион тонна озуқа бирлиги талаб қилинади. Шулардан жамоа, давлат ҳамда хусусийлаштирилган фермер хўжаликлари чорва молларига керакли бўлган миқдори 7,0—7,5 миллион тонна озуқа бирлигига тўғри келади.

Аҳоли шахсий хўжалиги ва фермерлар талабининг 10—15 фоизини давлат, жамоа суғориладиган ва лалмикор ерлардан етиштириладиган озуқалар, табиий яйловлардан чиқадиган ўтлар ҳамда давлат ресурсларидаги омухта ем, шрот, шелуха билан таъминлаганимизда жами 9-9,5 миллион тонна озуқа бирлиги етиштиришимиз лозим.

Бу миқдордаги озуқаларга бўлган талабни қандай имкониятлар асосида таъминлаш мумкин деган савол туғилади. Чунки асосий майдонда экиладиган озуқабоп экинларнинг ҳажми кескин камаймоқда. 1995 йили озуқабоп экинлар экиладиган суғориладиган ер майдонлари қисқартирилиб, 533 минг гектарга келтирилган бўлса, 1996 йили эса бу майдон атиги 290 минг гектарни ташкил этиши кутилмоқда. Беда майдонлари икки баробар камайиб 240—250 минг гектаргача қисқариши мумкин. Ёки ширали озуқалар маккажўхори силоси учун ва хашаки лавлаги экиш учун асосий экинлар майдонидан атиги 40-45 минг гектари тўғри келади. Агарда кейинги ўн йиллар давомида республика хўжаликларида ҳар гектар суғориладиган озуқабоп экин майдонларидан олинган ўртача 4,5—5 тонна озуқа бирлигини ҳисобга олсак жами озуқабоп экин майдонларидан 1995 йили 2665 минг тонна озуқа бирлигида ва 1996 йили 1450 минг тонна озуқа бирлигида дағал ва ширали озуқа турлари етиштириш мумкин. Бундай аҳвол бизни қониқтирмайди. Ҳосилдорликни 2—2,5 баробарга ошириш талаб қилинади. Чунки асосий озуқабоп экинлар майдонидан 3—3,5 миллион тонна атрофида озуқа бирлигини етиштиришга эришишимиз керак. Ёки жами етиштириладиган дағал ва ширали озуқаларнинг кам деганда 50—55 фоизини ташкил қилиши маъқул.

Республикада дон мустақиллигини таъминлашда ғалла етиштириш билан бир қаторда минглаб тонна сомон ва 300 минг тонна дон чиқиндиларини чорва моллари учун тайёрлаш имконияти яратилади. Уларнинг умумий тўйимлилик даражаси 750—800 минг тонна озуқа бирлигига тенг.

Айни кунларда республикамиздаги мавжуд 2,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги табиий яйловлардан самарали фойдаланиш озуқа тўйимлилик даражасини 1—1,2 миллион тоннага таъминлайди.

Демак, тайёрланадиган озуқа турларининг ўзгариши билан молларни озиқлантириш хили ўзгаради. Айниқса, қорамоллар рационида кескин ўзгариш бўлади. Кўк ўтлар миқдорининг камайиши қорамолларни қишин-ёзин бир хил рационда боқишни талаб қилади. Бу борада тайёрланадиган сенаж, дон сенажи, маккажўхори силоси ва буғдой сомони жуда қўл келади.

Чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари ўтказган кузатишларнинг натижалари ва жаҳон маълумотларининг курсатишича, қорамоллар бир хил тарзда озиқлантирилганда озуқалар ҳазм бўлиш физиологик хусусиятлари яхшиланади ва маҳсулот етиштириш миқдори ошади. Жумладан, қишин-ёзин бир хил озиқлантиришда гўштга боқилган новвосларнинг ўртача кунлик ўсиши 800—900 граммни ташкил қилиб, уларнинг тирик вазни 18 ойда 420—450 килограммни, 25 ойда 700—720 килограммни ташкил қилган. Сигирларнинг сут бериш миқдори ҳам 6—8 фоизга кўтарилади. Бундай самарадорликни, биринчидан, озуқаларнинг тўйимлилиги билан изоҳланса, иккинчидан, молларни ўз вақтида белгиланган рационлар асосида озиқлантиришни ташкил қилишга боғлаш мумкин.

Юқорида келтирилган илмий ва амалий ишлар натижалари асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин.

— оралиқ озуқабоп экинларни кенг миқёсда жорий этишга алоҳида эътибор бериш ва асосий озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш орқали икки маротаба ҳосил олишни ташкил қилиш билан гектаридан озуқалар тўйимлилигини 12—14 тонна озуқа бирлигига етказиш;

— такрорий озуқабоп экинлар майдонини камида 800 минг гектарга етказиб маккажўхорини силосга ва бошоқбоп (арпа, хашаки, буғдой, третикали, сули) экинлари сенаж ва айниқса дон сенажига бостириш учун парваришлаб уларнинг ҳосилдорлигини гектарига 180—200 центнергача етказиш (6-7 тонна озуқа бирлигида);

— ғалла сомонлари кўпайишини ҳисобга олиб, тўйимлилик даражасини ошириш билан биргаликда силосбоп ўсимликлар билан аралаштириб силослаш технологияларини яратиш. Бу борада амарант ўсимлиги қўл келиши мумкинлигини эътиборга олиб, кенг майдонларга экиб олинган ширали массага сомон аралаштириб силосланиш хусусиятлари ва унинг тўйимлилик даражасини ўрганиш;

— амарант ўсимлигининг энг юқори ҳосилдор навларини танлаб олиш, асосий озуқабоп экинлар майдонларида экиш ва нав агротехникаларини ишлаб чиқиш. Бу борада унинг юқори ҳосилдорлиги (700—800 центнердан) оқсилга (12—14 фоиз) ва қанд (8—10 фоиз) моддаларига бой эканлигини эътиборга олиб фақат сомон билан силослаш орқали чорва молларига едириш самарадорлигини ўрганиш;

— қорамолларни қишин-ёзин бир хил озиқлантириш рационларига ўтказиш. Бу борадаги меъёр ва рационларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган имкониятлар анчагина, ҳамма гап омилкорлик билан иш юритишда.

Убайдулла НОСИРОВ,
«Племэлита» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, профессор.

Бошланғич партия ташкилотларида

ХАЙРИХОҲЛАР КЎПАЙМОҚДА

Қарши шаҳар корхоналарида меҳнат қилаётган ишчан ва ташаббускор бошланғич партия ташкилотлари котиблари ҳақида сўраганимда, Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби Музаффар Туропов «Санам» тикувчилик фабрикаси ҳиссадорлик жамияти бошланғич ташкилотининг котиби Улуғбек Олтибоевни тилга олди. «Санам» чеварлари корхонаси ҳақида бирмунча тасаввурим ҳам бор эди. Бу ерда маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги яхши.

Улуғбек олий ўқув юртини тугатганидан сўнг, «Санам» корхонасига товаршунос бўлиб ишга кирган. Айни пайтда ХДП бошланғич ташкилоти котиби ҳам. Корхона бошланғич ташкилотида 60 нафар ХДП аъзоси бор. БУ ерда 1500 киши меҳнат қилади. Шундан 1227 нафари хотин-қиз.

Шунча ишчи-хизматчидан бор-йўғи 60 кишининг ХДПга аъзолиги озлик қилмайдими? Бу ҳақда Улуғбекдан сўрадим.

— Шаҳардаги йирик корхоналардан «Ўзбекгазнефтегеология», «Каршииндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмалари бошланғич партия ташкилоти котиблари қатори менинг ҳам шаҳар кенгаши депутатлигига номзодим қўйилган эди. Учаламиз ҳам етарли овоз ололмадик. Демакки, ҳали корхонада катта обрўга эга эмасмиз. Кўп ишлашимиз керак экан. Аслида биз котибларнинг корхона манфаатидан ўзга манфаатимиз йўқ. Бас шундай экан, биринчи галда аъзолар сонини кўпайтиришга эътибор қаратяпмиз. 1-, 2- ва экспериментал цехлари котиблари Шаҳло Каримова, Назира Ёмғирчиева, Гулмира Жўраевларнинг фаол ҳаракати туфайли аъзоликка қабул учун хайрихоҳлар кўпаймоқда.

Фабрика хотин-қизлар кенгаши раиси Сожида Салоҳиддинова, ёшлар қўмитаси раиси Зокир Соқиевлар ҳам бошланғич ташкилотимиз ишига яқиндан ёрдам бермоқда. 1995 йил охирида аъзолар сонини ёш фаоллар ҳисобидан 200 кишига етказиш ниятидамиз.

Ҳозир корхонамиз бир ойда 10 мингдан зиёд эркаклар ва болалар кўйлаклари, ишчилар учун махсус ишбоп кийим-кечаклар тикиб чиқармоқда. Маҳсулотларимиз пештахталарни тўлдириши билан бирга харидорларни ҳам қувонтирмоқда. Бу ютуқларда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан қувонамиз.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«МУДРОҚЛИК ҚАЧОНГАЧА?»

Газетанинг шу йил 2 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилган эди. Мақола юзасидан Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят Кенгашининг биринчи котиби Ж. Нуруллаев имзоси билан жавоб олинди.

Бухоро вилоят партия Кенгаши шуни қайд этадики, газетада Когон туманидаги Баҳовуддин Нақшбанд номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотидаги аҳвол тўғрисида билдирилган танқидий фикрлар асосан ўз тасдиғини топди.

Ушбу мақола жамоа бошланғич партия ташкилотида ва туман партия Кенгаши ижроия бюроси йиғилишида атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди ва тадбирлар белгиланди.

Бу масалани ва умуман туман партия ташкилотининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш фаолияти вилоят партия Кенгаши бўлимлари томонидан обдон ўрганиб чиқилиб, вилоят Кенгаши ижроия бюросининг 13 февралдаги йиғилишида барча шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котиблари иштирокида кенг муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Жумладан, Когон туман кенгашига, шунингдек, барча шаҳар ва туман кенгашларига бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жадаллаштириш учун уларга ҳар томонлама амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, вилоят Кенгаши бўлимларига эса бу ишда партия кенгашларини зарур услубий материаллар билан таъминлаш, маҳаллий ва республика матбуотида партия ташкилотлари фаолиятини кенг ёритиш вазифалари топширилди.

ХДП вилоят Кенгаши бюроси қарорида Когон туман партия кенгашининг биринчи котиби Б. Муҳиддинов кўрсатилган нуқсонларни бартараф этишда сусткашликка, бепарволикка йўл қўйган тақдирда ўз вазифасида қолиш-қолмаслиги кўриб чиқилиши укдириб ўтилди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Қибрай туманидаги Абдужамил Матқобулов номли маҳалла қўмитасида бўлиб ўтган фуқароларнинг кенгайтирилган йиғини мавзуси шу кунлардаги долзарб масалаларга бағишланди. Унда республика уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Бектош Раҳимов, ёзувчи Иброҳим Раҳим, Қибрай тумани ҳокими Акбарали Йўлчиев, «Экосан» жамғармасининг раиси Юсуф Шодиметов ва маҳалла фаолларининг вакиллари Олий Мажлис биринчи сессиясидаги Президентимизнинг маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, Ғалабанинг 50 йиллигини муносиб нишонлаш, атроф-муҳитни мусаффо сақлаш, туман меҳнаткашлари олдида турган вазифалар хусусида атрофлича фикр юритдилар.

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатни, Олий Мажлиснинг 26 март куни умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақидаги қарорини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳамидулла Халилов асли деҳқон фарзанди. Кўп йиллар Сирдарё туманидаги Иброҳим Каримов номли жамоа хўжалигида меҳнат қилган. Бундан уч йил аввал, яъни 1992 йилда фермерлик ҳаракатига қўшилди. Ўша йили давлатдан 25 минг сўм қарз олиб, 30 та қорамол сотиб олди. Устига устак яна 35 минг сўм қарз олиб, молхона ҳам қурди.

Фермер ўша йили астойдил меҳнат қилди. Шу боис хўжаликка 22 тонна сут сотди. 1993 йилда эса 24 тонна сут, 1,6 тонна гўшт сотиб, каттагина даромад олди. Ўтган йили эса у асосий маблағини, кучини фермани кенгайтиришга сарфлади. Шу боис сут 23 тоннага, гўшт эса 1 тоннага тушди.

Бу йил эса унинг режаси юксак. Ҳамидулланинг ниятн халқимизга 30 тонна сут, 4 тонна гўшт етказиб бериш. Шу сабабли ҳам унинг фермасидаги ҳар бир сигирдан бир кеча-кундузда 8—9 килограммдан сифатли сут согиб олиняпти.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ҳамидулла авваллари олган қарзларидан тўла қутилди. Лекин яна 200 минг сўм қарз бўлиб қолди. Сабаби нимада, деб сўрарсиз? Чунки у консерва цехи қурянти. Ана шу цехга ускуналар, дастгоҳлар сотиб олди. Кейинчалик 20 гектар ерда етиштиладиган сабзавотларни ана шу цехда қайта ишлашни йўлга қўйди. Ана шунда фермер қарзларидан тўла қутилиб, мўмайгина даромад қила бошлайди.

СУРАТДА: Ҳамидулла Халилов укаси Лутфулла билан.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Тез ўсадиган Калифорния, мирзатерак, кўктерак ва бақатерак кўчатлари ҳамда қаламчалари
СОТИЛАДИ
Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги, Баҳор кўчаси, 10. Норматов Саттор. Чорсудан қатнайдиган 183-автобуснинг охирги бекати.

«ЛУЧ» ФИРМАСИ
Бугдойдан тайёрланган энг тоза ва арзон спиртни
СОТАДИ
Нархи туширилиши ҳам мумкин.
Давлат белгиси 5962-67.
Мурожаат учун телефонлар: соат 9.00 дан 18.00 гача — 50-46-04; 78-90-83; 50-03-76, 21-48-67, 47-71-82, 78-19-83; соат 12.00 дан 23.00 гача — 21-41-58.

«НАВРЎЗ - БАҲОР АЙЁМИ»

«Меҳнат» нашриёти кўп нусхада чоп этган рангли тақвим ана шундай деб номланган. Наврўз — табиат байрами, борлиқнинг янгиланиши, яшариш ва одамларнинг меҳрли бўлишига, ризқ-рўз яратишга ундовчи эзгулик айёмидир.

Янги тақвимдан таниқли элшунос олим Билол Аминов тайёрлаган Наврўз хусусидаги ибратли фикрлар ўрин олган. 1995—1996 йилларга мўлжалланган мазкур босма маҳсулоти Тошкент харитачилик фабрикасида 50 минг нусхада босилди.

Эроннинг "ИЙМОН-ОСИЁ" фирмаси эркаклар ва хотин-қизлар ҳамда болалар кийим-кечаклари билан савдо қилаётган "Даврон Сепанд групп" дўконига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сиз бу ерда хорижий ва замонавий модали қуйидаги кийим-кечакларни
ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

АЁЛЛАР УЧУН:
- Бежирим, ранг-баранг кўйлаклар ва ички кийимлар;
- Пойабзаллар, хушбўй совунлар ва атир-упалар;

ЭРКАКЛАР УЧУН:
- Кўйлаклар оёқ кийимлари, спорт костюмлари ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар;

БОЛАЛАР УЧУН:
- Мавсумбоп кийим-кечаклар, спорт костюмлари, оёқ кийимлари ва бошқа турдаги бежирим маҳсулотлар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, "Савдо растаси", "Даврон Сепанд групп" дўкони, мўлжал /Ҳамза номидаги театр биноси/.
Телефон 44-52-88
Телефон-факс 44-65-71

Маҳсулотларни сотиш нақд пулга амалга оширилади.

Улкан дарахт шохлари

АҲМАДЖОН ТОҒА

Ердан муз кетди.

Сув қувноқ бўлди.

Ўрикларнинг куртаклари тўқ қизиллашди.

Қиш бўйи семирган тераклар бадани тиниқ тортди, мовий тус олди.

Ҳулласи, баҳор келди.

Баҳорни энг интизор кутган ким?

Шоирми? Бўлмаҳур гап! Шоир, керак бўп қолса, қишнинг чилласида сандалга бел тоблаб ўтириб ҳам гуллар ҳақида шеър ёзиб бериши мумкин.

Ҳофизми? Бе-э! Ҳофиз деганингизга ёз маъқулроқ — тўй кўп бўлади.

Тижоратчи? Балли-ей! Тижоратчингиз фасл санармиди, ой кутармиди.

Баҳорни Аҳмаджон тоға кутди. Муштоқ кутди. Интизор кутди. Бир йил эмас, ўн йил эмас, йигирма... ўттиз эмас, эсини таниганидан бери шундоқ кутди. Аҳмаджон тоға эсини таниганида эса кўпчилигимиз дунёга келмаган эдик.

Аҳмаджон тоға нега баҳорни бунчалик кутади? Сабаби жўн: тоға пахта экади, сабзавот етиштиради, боғ-роғларга қарайди.

Тоға дейдики, бу йил аввалгидан ҳам яхшироқ ишлайин, астойдил бўлайин! Бу йил пахтам олдингидан кўпроқ бўлсин, мўлроқ бўлсин.

Шу тариқа йиллар ўтди. Оқар сувлар қайтмас бўлиб кетди. Неча тераклар кесилиб, уй бўлди. Неча ниҳоллар ер бағирлаган дарахтга айланди. Нечов раҳбар минбар минди, нечаси ёмонотлиқ бўлди, юзи қора бўлди. Аҳмаджон тоға ижроқўмлик қилмади, шўро раиси бўлмади, миршаб боши бўлиб дағдага қилмади. Аҳмаджон тоға бригадир бўлди. Ўттиз йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилди. Бирор йил бўлмадики, у планни бажармаган бўлсин! Бирор йил бўлмадики, ҳосил байрамида кўкрак кериб турмаган бўлсин! Лекин бунинг учун бирор кун бўлмадики Аҳмаджон тоға бемалол ухлаган бўлсин!

Сабаби — пахта сиёсат бўлди!

Аҳмаджон тоғанинг болалиги уруш йилларига тўғри келди. Тоға очарчиликни кўрди, касалликни бошдан ўтказди, зўравонликка гувоҳ бўлди. Тоға бола бўлиб тўп тепмади, чиллак ўйнамади, капалак қувмади. Тоға бола бўлиб... меҳнат қилди. Меҳнат қилгандаям катталар билан баравар ишлади. Мурғаклигидан ўз нонини ўзи пешона тери билан топди. Суяги меҳнатда қотди.

Аҳмаджон тоға йигит бўлиб, дўконда сақич сотиб ўтирмади, долларни бошқа пулларга нисбатини билмади, видеога мукка тушмади.

Аҳмаджон тоға ерга яхоб берди, ер ҳайдади, ягана қилди, чопиқдан чиқарди... Аҳмаджон тоға меҳнат қилди. Аҳмаджон тоға меҳнат қилгандаям ҳалол меҳнат қилди.

Москвада катталар алмашди, йиллар алмашди, фасллар алмашди.

Лекин тоғанинг меҳнати алмашмади. Ўша-ўшалигича қолди. Колхоз аввал «Сталин» эди, кейин «Пахтакор» бўлди. Аҳмаджон тоға аввалам пахтакор эди, кейинам пахтакорлигича қолди.

Бир раҳбар айтдики, ўртоқ Самадов, чўлдаги ерингизни мошина теряптими? Раз тераятган бўлса, ҳеч иккиланмай тенгига тупроқ қўшасиз. Уёғини гаплашиб қўйганман. Вилоятда биринчи бўлишимиз керак. Дурустми?

Раҳбар ўсмоқчи эди.

Тоға айтдики, маъзур тутасиз, ошна! Биз пахтани чангдан қоқиб-қоқиб олган одамлармиз. Шунга ўрганиб қолганмиз. Бу ишингиз бизга тўғри келмайди.

Орадан гап қочди. Тоға, бор-э, деб бригадирликни ташлаб кетди. Икки йилча оддий колхозчи бўлиб ишлади. Кейин... ўша раҳбар кетиб, яна ўз ўрнига қайтди.

Кимдир, замон ўқиганники, деб қолди. Замондан қолмайин, дедида, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникумининг агрономлик факультетини битирди.

Узоқ йили Бағдод тумани чекига тушган чўл ерларни ўзлаштирди, боғ қилди. ўрик экди, олма, шафтоли...

Чўлга пахта тергани борганларнинг оғзи тегсин, деди.

Тоға мудом пахтани ўйлади. Ўзини сен, пахтани сиз деди.

Дала уйи бўлди, ғўза болалари бўлди.

Уй-рўзғорга Аҳмаджон тоғанинг аёли Инобат ая қаради. Ғўза чопиқдан озиб, тешадек бўлган кетмони билан памилдори тагини чопди, маккажўхорини суғорди, мол-ҳолга емиш тутди. Буларнинг ҳаммасини даладан ортиб қилди.

Болалари: Чаманой, Оминахон, Азимжон, Манзурахон, Шоирахонларни тарбия қилди, ундириб-ўстирди. Болалар ҳаммаси меҳнат ичида ўсди, жўякда атак-чечак бўлди, ғўзага меҳри тушди.

Мана, Азимжон Самадов Бағдод туманидаги Чигит Пахта пунктида мудир бўлиб ишлаяпти. Азимжонни тоға пул бериб жойлагани йўқ, бировга илтимос билан боргани йўқ. Жамоа ўзи Азимжонни танлади, раҳбарлар ҳурмат қилди, ходимлар иззат қилди. Нега?

Азимжон ёлгиз ўғил бўлса-да, ўнтага татийдиган йигит. Тўй-маракалар усиз ўтмайди, ўтсаям файзсизроқ тушлади. Маҳалланинг хизматида доим енги шимариглиқ. Оғайнилари ҳаммаси яхши кўради. Меҳнаткашлиги, самимийлиги, тозакўнгиллиги учун! Ҳаммаям Азимжондақа бўлсачи!

— Тоға, — дедим мен, — сизни тупроқ тилини тушунади дейишади, ростми? Рост бўлса, қандай қилиб тиллашасиз?

Тоға кулади.

Оббо, жияним-э, — дейди. — Тупроқ ҳам сенинг китобингга ўхшаган нарса, униям кўз билан ўқийсан, — дейди. — сарап соп қарасанг, тупроқ айтадики, мени шўримни юв, деб. Ёки селитрангдан зерикдим деб. Ёки менга ўғит бер деб. Ёки ҳали етилишимга уч кун бор, озгина шошма, деб...

— Тоға, — дейман, — бу... колхозни ижарага бўлиб берворса, план деган нарса нима бўлади? Ҳамма буғдой экворди, дейлик. Кейин нима бўлади?

— Менимча, ёмон бўлмайди. Ўз ерида ишласа, астойдил ишлайди ҳозиргилар...

— Эрта кундан нафақага чиқ-вопсиз, тоға, — ҳазиллашган бўламан. — Зерикиб қолмаяпсизми уйда?

— Зерикиш қайда. Ўн саккизта неварам бор, худога шукр. Бир униси, бир буниси билан гаплашаман, зерикиш нима. Жиян, ўйлаб кўрсам, эллик беш йил далада ўтибман. Энди уйдаям ўтирайликда!

Аҳмаджон тоға уйда ўтирадими! Қўштегирмоннинг Тўғинчи маҳалласига газ тортишяпти. Оқсоқол сифатида кун бўйи ўша ерда. Бригадасини Маҳмуджон деган йигитга топширган, уям кунига бўлмасаям, кунора маслаҳат сўраб келади. Аҳмаджон ака шунга хурсанд: демак, элга керак эканманда, демак, юртга фойдам тегяпти.

Эллик йиллик меҳнат эвазига шўро ҳукумати Аҳмаджон тоғага нима берди? Бир ҳовуч орден-медаль-нишон берди.

Аммо, шўро даврида қилинган меҳнат, деб чизиқ тортмак мумкинми?

Бу меҳнатни унутиб бўладими?

Яхши, «Пахтакор»нинг раиси Машраб ака тоғани ҳурмат қилади, Бағдод тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусаматов йўқлаб туради...

Тоға шунча йил ишлаб, имкон қадар бировга қаттиқ тегмади. Каттани ака деди, кичикни ука, деди. Янаям кичикроқларни бирдай жиян, деди. Шу сабаб ҳаммага тоға бўлди, Аҳмаджон тоға бўлди.

Мен мана шу уста пахтакорнинг, мард-танти инсоннинг, меҳрибон тоғанинг жиянларидан бири бўламан. Мана шундай одам менга ҳам тоға бўлади.

Кўнглингизга олманг, бор мақтанса — топилар, деганларидек, шунақа зўр тоғам борлигини сизларга бир билдириб қўяй, дедим-да!

Иқбол МИРЗО.

Мулоҳаза

МАТБУОТ ВА ТИЛ

Жамият, матбуот ва тил ўзаро алоқадор тушунчалар бўлиб, улар ўртасидаги муносабатларни тавсифлаш ва таърифлаш турфа хил муаммолар тизимининг таҳлили, талқини билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, ижтимоий ҳодиса бўлмиш тилнинг ўзи одаму олам сингари ниҳоятда мураккаб ва мукаммал, тафаккуру тасаввуф янглиг ноёб ниҳоясиз бир хилқат. Ҳар бир миллатнинг қомуси ҳам, номуси ҳам унинг тилида мужассам.

Тил ва матбуот ўртасидаги муносабатлар жамият ва лисониятга дахлдор мураккаб муаммоларнинг бир ҳалқаси холос. Бу муносабатларни асосан икки йўналишда талқин этиш ва тадқиқ этиш мумкин. Дастлабки йўналиш «матбуот тили», «оммавий ахборот воситалари тили ва услуби» ҳамда «журналистика услуби» ёки «публицистик услуб» атамаларидан англашилган муаммолар сирасини ўз ичига олади. Бинобарин, бу йўналиш матбуотнинг, умуман журналистиканинг лисоний ва услубий сифатларини, услубият илмининг оммавий ахборот воситалари тилига дахлдор таҳлилий ва таълимий соҳасини назарда тутади. Кейинги йўналиш матбуотнинг, журналистиканинг миллий тил, айниқса адабий тил тараққиёти, мақоми ва маромларига, умумий маданий нутқ сифатига таъсири муаммосидир. Бу муаммо фақат оммавий ахборот воситалари тилигагина эмас, адабий тил назарияси ва амалиётига ҳамда тарихига ҳам дахлдор бўлиб, ижтимоий-лисоний йўналишдаги тадқиқотларнинг мақсади ва мундаражасини белгилаб беради. Афсуски, бу соҳада ҳали жиддий ишлар эгасини кутиб ётибди.

Оммавий ахборот воситалари тили ва услуби адабий, умуман миллий тил тадрижи ва такомилида қандай ўрин тутади? Тил маданияти ва нутқ маромларига, луғат мулки ва сўз маънолари таркибига қандай таъсир этади? Бу таъсир қай йўсинда қандай усуллар воситасида амалга ошади? Ноадабий тил унсурлари ҳамда махсус сўз-атамаларининг, шахсий-ижодий лисоний яратиқлару, бегона лафзларнинг оммавий ахборот матнида ишлатилиши ва адабий тил аҳволига таъсири қандай кечади? Умумадабий маромларни бузишда ёки муҳофаза этишда матбуот қандай вазифа бажаради? Бу ва шунга ўхшаш бошқа масалалар теран тадқиқотларни тақозо этади. Мазкур мавзуларни атрофлича тадқиқ этиш фақат матбуот ва адабий тил ўртасидаги муносабатларнигина эмас, жамият ва тил, жамият ва матбуот тарзида қўйиладиган масалаларни ҳам ўрганишни талаб қилади. Зеро, матбуотнинг лисоний-услубий хусусиятлари ҳамда уларнинг умуммиллий, умумадабий тил мулкига таъсири, шунингдек, умумхалқ ҳамда адабий тилнинг матбуот нутқига муносабати ички ва ташқи, ижтимоий ва лисоний омиллар иштирокида кечадиган мураккаб амалиёт, ижтимоий-тарихий жараёндир. Матбуотнинг, оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти, мақсади ва вазифаси мана шу жараён билан боғлиқ.

Айни пайтда адабий тил, унинг сўз мулки ва маромлари қандайдир сунъий яратиқ эмас, балки инсониятнинг, ижтимоий фаолиятнинг маҳсули, муайян тарихий иқтисодий, маданий-мафкуравий тараққиёт самараси ҳамда бу тараққиёт жараёнининг жонли кечиш тарзи ҳамдир. Турмушдаги тажриба-ю турмушлардан, тилдаги ва тафаккурдаги талқину «топилдиқлар»дан дастлаб матбуот огоҳ бўлади, огоҳлантиради.

Матбуот захматкаш қалам аҳлининг доимий фаолият майдони, сўзи ахборотни қиёмига етказадиган ижодий устахона. Унда тафаккурнинг, тилнинг фикрий ва ҳиссий, мантиқий ва мажозий, умумий ва хусусий сифатлари ажойиб бир тарзда омухта бўлиб кетади ҳамда матбуот тили деб, сифатланмиш айрича бир нутқ йўсинини намоён этади.

Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши миллий тил мавқеини тиклаш, унинг тил амалиётидаги имтиёзини таъминлаш, таркиби ва тартибини «муолажа» ва муҳофаза қилиш йўлидаги улкан тарихий воқеа бўлди. Асл ўзбекона, туркий лафзу ибораларни излаш, ясаш, ижод қилиш устивор бир жараёнга айланди. Яқингинада камситилган, ишлатилиши турли баҳоналар билан ман этилган вазир, нозир, раёсат, ҳоким, маҳкама, мадраса, муҳандис сингари кўплаб эскирган сўзлар истеъмолга киритилиб, уларни умумадабий нутқий маромнинг фаол унсурига айлантириш ҳаракати бошланди. Публицистика атамаси мақомида қўлланиш учун мушоҳаданавислик, мақоланавислик, омманавислик, ижтимоийнавислик каби муқобил яратиқлар баҳси бошланди. Бу жараён матбуот тилининг, демак, адабий тилнинг ҳам, узоқ йиллар давомида турғунлик тутқунида қарор топган ўта қолипли, қоидали маромларини, тартибли, тийиқли луғат таркибини, ялтироқ, шақилдоқ, дабдабали, таҳдидли баён услуби андозаларини ларзага келтирди.

Бугунги кун матуботи тилдан фойдаланишнинг ҳурфикрлилик ва сўз эркинлиги тутимларига мувофиқ эркин, ижодий маром йўриғини таомилга киритди. Бинобарин, сўз қўллашдаги тебранишлар ҳам, барқарор маром мезонларидан чекинишлар ҳам, шахсий ижодий сўз ишлатиш ҳоллари ҳам, ҳатто нутқий лисоний нуқсонлар ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Адабий тилдаги, демак, матбуот тилидаги ўзгаришлар, янгиланишлар жамиятдаги, тафаккурдаги, мафкура ва иқтисодиётдаги умумий жараёнлар билан узвий боғлиқ.

Миллий адабий тилнинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий вазифаси жамиятнинг, миллатнинг яхлитлигини ташкил этиш ва уни таъминлашдан иборат. Тил ва матбуот — миллий маданият ва маънавият воситаси ҳамдир. Матбуот тили тушунчасида ҳам мана шу сифатлар мужассам. Матбуот, миллий тилнинг ижтимоий моҳиятига ҳам, унинг лисоний табиатига ҳам, мақомию маромларига ҳам бевосита дахлдор. У она тилидан куч-қудрат олади, унинг бой имкониятидан, фасоҳатидан унумли фойдаланади, кучига-куч, бойлигига-бойлик, имкониятига-имконият қўшади. Шунинг учун ҳам миллий матбуот тилини миллатнинг умумий мулоқот тили деб баҳолаш мумкин.

Ирисали ТОШАЛИЕВ.



Кейинги пайтда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида ишбилармонлик, тадбиркорликка кенг йўл очилмоқда. Бу ерда атлас, гилам тўқиш фабрикалари ишлаб турибди. 300 ишчига мўлжалланган тикувчилик-тўқувчилик цехида кўплаб маҳсулот тайёрланяпти.

Яқинда туманда яна бир янгиликка қўл урилди. Шу ердан отилиб чиққан минерал сув шишаларга қуйилиб, аҳолига етказиб бериляпти. Германиялик мутахассислар билан бу борада қўшма корхона ташкил этишга келишиб олинди. Бундан ташқари мебель фабрикаси ҳам ишлаб турибди.

СУРАТЛАРДА: туман тадбиркорларидан бир гуруҳи ва ишчи Мария Мирзаева.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

«МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ СОНИ

«Мулоқот» журналининг 1995 йилдаги илк сони «Муҳаррир минбари» рукни остида «Интилганга толе ёр» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Унда республикамизда мустақиллик шарофати билан қўлга киритаётган ютуқларимиз, ўтмишдаги тазйиқлар, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги қилажак саъй-ҳаракатларимиз ҳақида фикр юритилади.

Журналнинг ушбу сонида Ислом Каримовнинг иккита янги асари ҳақида, яъни булардан бири халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашида сўзлаган нутқи ва иккинчиси — Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқлари жамланган китоблари ҳақида таниқли ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг мулоҳазалари баён қилинган.

Келажаги буюк давлатимиз олдидаги энг долзарб вазифа — иқтисодий ислоҳотларни тезроқ жорий этиш ва уларнинг улкан самараларидан халқимизни баҳраманд қилишдир. Шу муносабат билан «Мулоқот» журнали ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида қандай ишларни амалга ошириш, мустақилликни мустаҳкамлаш учун нималар қилиш ҳақидаги бешта савол билан республикамизнинг бир гуруҳ атоқли кишиларига мурожаат қилди. Сиз ушбу сонда таниқли олим ва ёзувчиларидан М. Ҳайруллаев, О.Ҳикматов. О. Ёқубов, М. Файзиев, Ж. Абдуллаев, И. Ғафуровларнинг ушбу саволларига берган мазмунли жавобларини ўқишингиз мумкин.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Анвар Чориевнинг «Ижтимоий тарбия» сарлавҳали мақоласи миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари, устивор йўналишлари ва соҳалари, воситалари ва омиллари, услублари ва усулларига бағишланган.

Сиз улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг Пайғамбар сиймосини қандай тасвирлагани билан яқинроқ танишишни истасангиз ушбу сонда эълон қилинган адабиётшунос олим Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг «Ҳайратул-аброр» достонида «Ҳазрати Пайғамбар сиймоси» сарлавҳали мақоласини ўқишингиз лозим.

Тарихчи олим Нуриддин Мусаевнинг «Генерал Жўрабекнинг қотили ким?» мақоласини ўқисангиз ушбу қотилликда кимларнинг қўли борлигини ва генерал Жўрабекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотларни билиб оласиз.

Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида кўп ёзилган ва ёзилмоқда. Аммо шу пайтгача унинг фарзандлари, айниқса қизлари ҳақида ҳамма хабардор эмас. Улуғ алломанинг фарзандлари ҳақидаги маълумотлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Бу ҳақда журналнинг ушбу сонида эълон қилинаётган таниқли тарихчи олим Амриддин Бердимуродовнинг «Робия Султонбегим қисмати» сарлавҳали мақоласида батафсил баён қилинган.

Шунингдек, ушбу сонда сиз Муинниддин Натанзий, Абдулҳаким Шаърий Жузжоний, Шарқнинг улуғ олимларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Фахриддин Али ибн Ҳусайн қаламига мансуб битиклар ва кўплаб қизиқарли мақолалар билан танишасиз. Мазкур сонда ҳам «Мулоқот дафинаси» рукн остида қизиқарли маълумотлар ва фойдали маслаҳатлар берилган.

„Биз ким, мулки тўрон"...

АНДИЖОНЛИКЛАР — ТАЛДИҚЎРҒОНДА

Республикамизда ўтган Қозоғистон кунлари вақтида Андижон ва Талдиқўрғон вилояти раҳбарлари ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ҳақида аҳдлашиб олгандилар.

Яқинда андижонлик деҳқонлар қўшни Қозоғистонда бўлди. Қозоғистон ҳукумати Талдиқўрғон вилояти ҳудудидан андижонликлар учун ўн минг гектар лалми ер ажратишга қарор қилди.

Вилоят туманларида мутахассис ва механизаторлардан иборат ишчи гуруҳлари Қозоғистонга жўнаш учун тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқдалар.

САЙЛОВ КЎППАРТИЯЛИЛИК АСОСИДА

ДУШАНБЕ. Тожикистон республикасида мамлакат Олий Мажлисига ҳамда Маҳаллий мажлисларга сайлов бўлиб ўтди. Марказий сайлов қўмитаси сайлов натижалари тўғрисида дастлабки маълумотларни эълон қилди. Олий мажлисга 181 та сайлов округининг 161 тасидан депутатлар сайланди. Сайловда 2 миллион 600 минг нафардан зиёд сайловчидан 2 миллион 300 минг нафари овоз берди. 12 март куни 19 та сайлов округида такрорий ва 1 та сайлов округида қайтадан сайлов ўтказилди.

Сайлов кўппартиялилик асосида ўтди, депутатлар орасида республикада фаолият кўрсатаётган 4 партия вакиллари бор. Сайловда АҚШ, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Эрон, Афғонистон ва бошқа давлатлардан 27 нафар кузатувчи қатнашди.

МАНАС ТУЙИГА

БИШКЕК. Қирғизистон халқ маданиятининг фахри ва бебаҳо асари «Манас» яратилганлигининг минг йиллик тўйига катта тайёргарлик кўрмоқда. Республика алоқачилари бу катта тўйга бир кундан бегараз меҳнат қилиш ташаббусини бошладилар.

МАНАТ ҚИММАТИНИ ЯХШИЛАШ

АШГАБАТ. Туркманистонда ўтган йили фаолияти тўхтаб қолган валюта биржасининг савдо ишларини яқин ойлар ичида бошлаб юбориш режаси тузилмаётир. Бунга эркин конвертланадиган валюта камёблиги сабаб бўлган.

Валюта савдоси яқин орада бошлаб юбориладиган бўлса, манатнинг хорижий пулларга нисбатан қиммати кескин пасайишидан ҳукумат чўчимоқда ва ана шундай тадбир ўтказмоқда.

Ислоҳот ва транспорт

БОЗОР ТАЛАБЛАРИ МЕЗОНГА АЙЛАНМОҚДА

Автомобиль транспорти... Мана, вақти келиб кишилик жамиятининг бу буюк мўъжизаси ҳаётимизда ўзининг жуда катта ўрнини эгаллади ва бугун автоуловларсиз кундалик турмушимизни тасаввур ҳам этиш қийин. Шундай экан, ўз-ўзидан «Ўзавтотранс» давлат-акционерлик корпорацияси чекига тушган улкан меҳнат ва шунга яраша масъулиятни кўз олдингизга келтираверинг...

Хўш, автотранспортчилар бугунги иқтисодий шароитда қандай иш кўришмоқда, мазкур тармоқ фаолиятида мулкчиликнинг янги шаклларига ўтиш жараёни қандай кечаяпти? Корпорация бошқаруви раиси, иқтисод фанлари доктори, професор Л. Аҳметов билан мулоқотимиз асосан ана шу мавзуларда бўлди.

— Лерик Аҳметович, ўтган 1994 йил тармоқда қандай из қолдирди?

— Кейинги йилларда корпорациямизда бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни ривожлантириш юзасидан йиллик дастурлар ишлаб чиқилаётгани айни муддао бўлмоқда. Зеро, янгича муносабатларга ўтишнинг беш тамойили ва ҳукуматимизнинг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги фармон ва қарорлари асосида тузилган дастурларимиз ишимиз муваффақиятини таъминламоқда.

Эътибор беринг-а, кейинги икки йилда транспорт воситаларимиз сони камайди. Корпорация корхоналари бажарган иш ҳажми эса камайгани йўқ. Шу даврда йилига қарийб 230 миллион тонна юк ва 1,8 миллиард йўловчи манзилга етказилди.

1994 йилда йўловчи ташишдан 1031 миллион сўмдан ортиқ даромад олинди. Аҳолига 115 га яқин турдаги хизмат кўрсатилиб, улардан 713,6 миллион сўм даромад қилинди, маиший хизмат соҳасида эса 31,2 миллион сўмлик иш бажарилдики, бу режадагидан ортиқдир.

Натижалар кишини қувонтиради, албатта. Аммо буларга эришиш осон кечаётгани йўқ. Хўжалик алоқаларининг узилиши ва МДҲ мамлакатлари орасида тўловларнинг мураккаблиги оқибатида тармоқда қатор муаммолар пайдо бўлди. Эҳтиёт қисмлар, ёқилғи масалаларида етишмовчилик юзага келди, янги транспорт воситалари олиш камайди. Бу энди қўл қовуштириб ўтиришнинг вақти ўтди, дегани эди. Биргина ўтган йилнинг ўзида тармоқнинг саноат корхоналарида 278 номдаги эҳтиёт қисмлар, 10 хилда резина-техника ва 53 турдаги гараж ускуналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани қабул қилинган дастуларимизнинг амалий ижроси бўлди. Дарвоқе, юк автомобилларимизнинг қарийб чорак қисми газ ёқилғисига мослаштирилгани ўтган йили 48 минг тонна ёқилғини тежаш имконини берди.

• Кунига 5 миллион кишига хизмат қиламиз.

• Юк автомобилларининг 25 фоизи газ ёқилғисига мослаштирилди.

• 145 корхона янги усулда ишламоқда.

• Эътирозлар баъзан асосли, баъзан...

• Тармоқ завол кўрмайди.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йили тармоқдаги барча бўлинмалар ишини тўла барқарорлаштиришга муваффақ бўлинмади. Баъзи соҳаларда, жумладан, юк ташиш ҳажми жиҳатидан режаларни уддалай олмаган бўлинмалар («Тошвилюктранс» концерни ва «Қорақалпоқтранс» бирлашмаси) ҳам бор.

Турмушимизда кундан-кун янгича хизмат турлари, муносабатлар пайдо бўляпти. Шундай экан, буларнинг барчасига улгуриш лозим. Зеро, транспортнинг ҳаётдаги ўрни ҳам шу билан белгиланади. Йил якунида ўтказилган йиғилишда оқсаётган бўлинмаларимиз фаолияти танқидий таҳлил этилиб, «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва корпорация иши самарадорлигини ошириш бўйича 1995 йилга мўлжалланган Дастур» қабул қилинди.

— Лерик Аҳметович, мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кечмоқда. Тармоқнинг янги шаклга ўтган корхоналари ишида қандай ўзгаришлар юз берди? Мулкка бўлган муносабатдачи?

— Ўринли савол. 1993-1995 йилларда 178 корхонани мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтказишни мўлжаллаган эдик. Ўтган икки йилда 145 таси ўтди: 136 очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, учтадан масъулияти чекланган жамият ва жамоа корхонаси қайта шакланди. Бу корхоналарнинг иш якунлари меҳнат жамоалари ва корпорация томонидан тўғри йўналиш танланганини кўрсатаяпти. Уларда меҳнат қилаётган кишиларнинг фаоллиги анча ошди, асосий фондлар ва биринчи навбатда ҳаракат таркибидан фойдаланиш самарадорлиги юксалди. Ўтган йили тармоқ бўйича ишловчиларнинг 23 фоизи ана шу корхоналарга тўғри келган бўлса, юк ташиш умумий ҳажмининг 41,2 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 58,5 фоизи, қурилиш-монтаж ишларининг 93,3 фоизи улар улуши эканлиги фикримизнинг далилидир.

Хусусийлаштиришнинг яна бир натижаси, айниқса, қувончлидир. Хусусан, ҳиссадорлик жамиятлари ўтган йилги иш якунлари бўйича яхшигина дивидендлар жорий этгани фикримизга далилдир.

«Тошшаҳюктранс»га қарашли 3-автокомбинат 100 сўмлик номинал қийматга эга бўлган бир акцияга 127 сўмдан, ҳар бир акциячи (жамоа аъзосининг ўртача ўн беш-тадан акцияси бор)га эса 2000 сўмдан йиллик дивиденд жорий этди. Бу кўрсаткич шаҳардаги 145-автокорхонада 800 сўмни ташкил этди. «Самарқандтранс» даги 130-автокорхонада дивидендлар 100 сўмлик акцияларга 183 сўмдан, 4-автотаъмирлаш заводида эса 50 сўмлик акцияларга 181 сўмданга тўғри келди.

Бу рақамлар бизни ушбу йўналишда янада жадал ишлашга даъват этади. Жорий йилда яна 102 корхонани, жумладан, таксомотор ва автобус саройларини хусусийлаштириш режага киритганмиз. Шундай қилиб, йил охирида тармоқдаги ходимларнинг 65 фоизи ана шу корхоналарда ишлайди, юк ташиш ва йўловчи ташиш даромадларининг 50 фоиздан кўпроғи улар улушига тўғри келади. Дастуримизга биноан эса 1996 йилда тармоқнинг барча корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш мўлжалланган.

Энди шу борада биз дуч келаётган баъзи муаммоларни ҳам айтиб ўтсам...

— Марҳамат.

— Кўпгина корхоналар биржа орқали сотилаётган акциялар мажмуини сотиб олиш имконига эга бўлмаяпти, чунки уларни сотиш муддатлари ҳақида корхона ва ташкилотлар хабардор этилмайди. Яна бир гап — корхоналарнинг асосий фондлар қийматларини, баъзан ҳатто бир хил баланс қийматига, техник ҳолатига эга бўлган ва бир хил йўл босганлиги ҳолда автомобиллар Давлат мулк қўмитаси идораларида турлича баҳоланмоқда. Назаримда, бу масалаларга жиддий ёндошиш вақти келди.

— Мана, 1995 йилнинг ҳам учинчи ойи ўтиб бормоқда...

— Дарвоқе, жорий йил давомида амалга ошириладиган ишлар кўлами кенг.

Зеро, 1995 йилда 20 номда эҳтиёт қисмлар, 5 номда резина-техника буюмлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. 10-автосозлаш заводимиз тақчил бўлган аккумуляторлар ишлаб чиқаришга киришади.

Самарқанд — Олтиариқ, Фарғона-Бухоро, Тошкент-Ўш, Андижон-Бишкек автобус йўналишларини очмоқчимиз. Самарқанд шаҳрида шаҳар йўловчи транспорти ҳаракатини марказлаштирувчи бошқарма ташкил этилади.

— Лерик Аҳметович, очиғини айтганда, баъзан йўловчи, ҳам журналист сифатида корпорация тасарруфидаги йўловчи ташиш транспортига норозиликлар, қониқмаслик маъносидаги фикрларга дуч келамиз. Баъзи эътирозларга қўшиламиз ҳам...

— Ҳақиқатдан ҳам кейинги пайтда жамоат транспортига тез-тез эътирозлар билдирилмоқда, интизом, ҳалоллик масалаларида. Назаримда бундай танқид баъзан бизга фақат ёрдам беради. Сабабларни аниқлаймиз, хулоса чиқарамиз. Энди танқид баъзан адолатли, баъзан эса... Сизга бир нечтагина рақам келтирай, назаримда масала ойдинлашади-қолади: 1985-90 йилларда 2,5 — 2,7 минг автобус сотиб олинганди. 1994 йилда бу рақам бор-йўғи 10 донани ташкил қилди. Амалда эскириб бўлган техникадан автобусларнинг 43,5, юк автомобилларининг 52, енгил таксиларнинг эса 69,6 фоизи ҳисобдан чиқарилиши муддати аллақачон ўтиб кетди. Бу рақамларни масаланинг моҳияти аниқ-тиниқ бўлиши учун айтаяпман-да. Албатта, бу ишимиз ривожига жиддий тўсиқ бўлолмайди.

Энди қилинаётган ишга келсак, шаҳар автобуслари ҳаракатининг мунтазамлиги 1993 йилда 92,4 фоизини ташкил этган бўлса, ўтган йили 92,7 фоизга етди.

— Шу ўринда соҳанинг энг қимматли бойлиги бўлмиш мутахассислар, қўли гул чиланглару йўли равон ҳайдовчилар ҳақида нима дегинг келади?

— Тармоқнинг завол кўрмай келаётгани уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли. Ватандошларимиз ўзларининг бор умрларини соҳага бахшида қилаяптилар, фарзандлари, набираларини касбига тортишаяпти. «Фарғонатранс» бирлашмасида Асқаровлар, «Қорақалпоқтранс» да Пирмановлар, Турегалиевлар, «Андижонтранс»да Раҳматжоновлар сулолари... Уларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳарқалай, ишонч билан айтаманки, соҳанинг насибаси бутун ва халолдир.

Дарвоқе, автотранспортчилар эришаётган натижалар соҳада янгича муносабатлар кенг қулоч ёйётганидан далолатдир. Зеро, тармоқ жамоаларида дастурлар ўзгариб, мулкка ва меҳнатга муносабатлар ҳам янгича мазмун билан бойимоқда. Бу эса соҳанинг келажак умидлари ёркин, йўллари равон эканлигидан нишона...

Суҳбатдош:
Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

*** Корпорация 48 вазирлик ва идоралар билан турли халқ хўжалиги юкларини ташиш борасида тузилган 3671 шартнома юзасидан мажбуриятларини тўла ҳажмда бажарди.**

*** Автомобилчиларнинг Талимаржон ГРЭСи, Қоровулбозор нефтни ҳайдаш заводи, Тошкент қоғоз фабрикаси, «Юнусобод» теннис корти, «Чорсу», «Олой» деҳқон бозорлари қурилишларида улкан ҳиссаси бор.**

*** 1944 йилда 75 янги автобус йўналиши очилганди, бугун уларнинг умумий сони 2900 тага етди. Бу йўналишлар мамлакатимизнинг барча бурчакларини қамраб олган. Автомобиль транспорти хизматидан кунига қарийб 5.000.000 киши фойдаланмоқда.**

*** Ўтган йили Андижон, Фарғона, Зарафшон, Нукус ва Оҳангарон шаҳарларида 1210 автобусга мўлжалланган автобус саройлари, Жиззах, Янгийўл, Жумагул, Бешкент, Охунбобоев ва Қонли кўлда 525 умумий йўловчи сиғимига эга бўлган автошоҳбекатлари ва автобошбекатлари, Янгиқўрғонда 200 автомобилга мўлжалланган автокорхона қурилди.**

*** Ўртача ойлик маошлар корпорациясининг «Ўзҳориж» бирлашмасида 1413 сўмни, «Тошшаҳюктранс» концернида 1027 сўм, «Ўзавтосозлаш» концернида 1518 сўмни ташкил этди.**

Кейинги йилларда «Ўзҳоржтранс» ташқи савдо транспорт бирлашмаси, «Ўзавтотранссервис» компанияси, «Ўзавтосайёҳ», «Ўзавтошина» фирмалари, «Ўзнефттранс» бошқармаси ва бошқа янги тузилмалар ташкил этилди.

ХОТИРАЛАР АЛДАМАЙДИ

ёхуд Ортиқбой Мирзақуловнинг айтганлари

Бизни вагонга солиб Ленинград қамали яқинига — Россия ўрмонларига олиб боришди. Қишлоғимиздан уч киши бирга жўнадик. Эгамберди Тўхлиев билан бир бўлинмада хизматни бошладик. Аввалига обдон жангга тайёрландик. Учинчи ойга бориб Старая Руссия ўрмонида фашистлар билан жанг қилаётган ҳаракатдаги армия сафига қўшилдик. Ўша куни туш пайтида немисларнинг ҳужумини қайтаришимизга тўғри келди. Бу фашист деганлари бўйчан одамларга ўхшар экану, лекин ҳеч нарсадан қайтмас экан.

Икки кечаю-икки кундуз тинмай урушдик. Шу вақт ичида душманнинг олти бор ҳужумини қайтардик. Уларнинг самолётларини айтмайсизми. Ҳеч тинчимайди — изғигани изғиган. Мен гоҳ ётиб, гоҳ туриб жанг қилаётган қадрдон окопимдан сал нарида снаряд портлаганини биламан...

Ўрмон орасидаги митти санчастда ўзимга келдим. Ҳамшира қизнинг айтишича, санитар қизлар мени ўлганга чиқариб кетаётганда Эгамберди «бу тирик» деб қўймапти. Аммо халоскорим — Эгамбердини қайта кўриш насиб қилмади. Кейин эшитдим. У Ленинград бўсағасидаги аёвсиз жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлибди.

Орадан икки ой ўтгач, бутунлай соғайиб чиқдим. Мени Ярославль шаҳридаги госпиталдан Смоленск остоналарига, душман билан юзма-юз олишаётган қўшинларимиз сафига юборишди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бундай қабиҳликни кўрган инсон кўзи олдидан даҳшатли воқеалар ўтаверади...

11 киши разведкага кетаётгандик. Смоленск ўрмонларининг ҳайбатли баланд-баланд оғочлари бизни душман кўзидан пана қилиб турарди. Ўрмон йўли билан анча йўл босдик. Бирданига йўл ёқасидаги дарахтларга назаримиз тушиб қолди. Ёнма-ён, қатор турган учта тилоғоч танасига уч жасад милтиқнинг ҳанжари билан парчинланиб қўйилган эди. Бундай даҳшатли ёвузликни илк марта кўриб турардим. Уларнинг бири 70 ёшлардаги кўса соқолли чол, яна бири олтмишларга борган кампир ва яна... 15 ёшлардаги қизалоқ... Бақирай десам қўрқаман. Сезиб қолишади. Секин кўкракларидаги ҳанжарларни суғириб, дарахтлардан жасадларини ажратиб олдик. Сўнг дарахтлар остига дафн қилдик-да йўлда давом этдик.

Командиримиз Степан Алексей бошчилигида 5 киши разведкага бориб, душманнинг ўт очиш нуқталарини ўрганиб қайтишимиз зарур бўлиб қолди. Мен ўша пайтда бу ўзимнинг охирги жанговар топшириғим эканлигини қайдан билайин. Топшириқни аъло даражада бажариб қайтаётганимизда катта йўлни миналаштираётган 11 фашистни асир олдик. Тенгсиз жангда икки ўртоғимиз ҳалок бўлди. Аммо полкимизга энди етай деб қолганимда менинг ёнгинамда снаряд портлади. У ёғини билмайман...

Бу гал Қозондаги госпиталга жўнатишди. Даволанаётганимда мен хизмат қилган ҳаракатдаги 349-полкдан хушхабар келди. Жанговар хизматларим учун менга «Қизил Юлдуз» ордени берилибди. Даволанаётганлар, ҳамширию дўхтирлар, барча-барча мени юксак мукофот билан табриклади.

1943 йилнинг декабрида қишлоққа қайтдим. Отам Мирзақул деҳқон, онам Кумушой ўлиб кетган. Бор-йўғи бир оилада 5 жон эдик-у, ичганмиз, еганимиз атала, исмалоқ, чирич бўлди. Худо кунидан, ризқидан қиймаган экан. Елкага офтоб тегиб уйландим. Гапнинг очиғи, Маҳбуда билан ёмон яшамаяпмиз, ўтган умримиздан розимиз. Худога шукур. 11 нафар фарзандимиз бор. Уларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз йўлларини топиб олишган.

Ҳаёт қизиқ экан. Қандай қийинчиликларни кўрмадик. У кунлар ўтди. Бугун ёшларни дуо қилиб ўтирибман. Мустақил юртимиз йил сайин қад росталаб бораяпти. Шунингдек, биз — фахрийларга ҳам эътибор дуруст. Илоё, ҳамиша тинчлик бўлсин!

Ортиқбой бобонинг умр сўқмоқлари гўё чексизликка туташгандай. Зеро, ҳаётда халқ учун, Ватан учун ёниб фидокорлик билан меҳнат қилиб яшаганлар тириклигидаёқ тарих зарварақларидан жой олишга ўлгурдилар. Бу хотиралар ҳали тугамайди.

Саттор ҚОРАБОЕВ ва Зоитбек АЛИМОВлар оққа кўчиришди.

Шатранж оламида

ТОЖДОРЛИК ИЛИНЖИДА

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ мақомидаги жаҳон биринчилигининг Ҳиндистонда ўтказилган ярим финал учрашувларининг биттаси муддатидан анча олдин якунланганини, яъни ёш гроссмейстер Гата Камский (АҚШ) петербурглик Валерий Саловни 5,5:1,5 ҳисобида енгиб, финалга чиққанини биласиз. Унинг финалдаги рақиби ҳам кўп ўтмай аниқланди. Бу минсклик ёш гроссмейстер Борис Гельфандни 5,5:3,5 ҳисобида мағлуб этган Анатолий Карпов бўлди. Унинг Камский билан бўладиган финал учрашуви шу йил ёз ойларининг бошида ўтказилиши кутилмоқда.

Лондонда чиқадиган нуфузли «Таймс» газетаси совғини учун профессионал шахматчилар ўртасидаги жаҳон биринчилигининг дастлабки саралаш мусобақаларида ҳиндистонлик В. Ананд билан икки фронтда жанг қилаётган Г. Камский орасидаги финал баҳси 8 март куни Испанияга қарашли машҳур курорт шаҳар Лас-Пальмасда бошланди. Тож учун бўладиган якуний баҳсларда жаҳон чемпиони Г. Каспаров қай йўсинда ва қачон иштирок этишини кейинроқ хабар қиламиз.

ЙЎЛЛАНМА БИТТА, ТАЛАБГОР 64 НАФАР

12 йилдирки, республика чемпионатлари икки табақада ўтказилиб келинмоқда. Тошкентда ниҳоясига етган биринчи табақа турнирида мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларидан келган 64 нафар иқтидорли шахматчи 12 кун ягона йўлланма учун қизғин баҳс юритди. Иштирокчилар орасида 10 яшар болакайни ҳам, 60 ёшли спорт устасини ҳам кўриш мумкин эди.

Швейцарияча усулда жами 11 тадан учрашув ўтказиш, яъни тур сайин жамғарган очколарга қараб, бир-бирларига рўбарў бўлардилар. Шахмат клубининг қатта залида бир вақтнинг ўзида 32 тахтада олиб борилган жангларнинг ҳаммаси ҳам мухлислар эътиборини тортарди. Дастлабки кунданоқ олдинга ўтиб олганлар сафида анчагина шахматчи бўлиб, мусобақа якунигача қоқилмай-нетмай етиб борган чирчиқлик спорт усталигига номзод Равиль Тагиров бўлди. У 8 ўйинни ютиб, 3 тасини дуранг қилди ва 11 имкониятдан 9,5 очко жамғариб, республика 60-юбилей чемпионатининг апрель ойида Тошкентда ўтадиган Олий табақа турнирига бериладиган йўлланмани қўлга киритди. Самарқандлик салоҳиятли Алишер Анорқулов ғолибдан атиги ярим очко ортда қолиб, 2-ўринни эгаллади. 3-ўрин уч киши орасида талаш бўлса-да, қўшимча коэффициентлар ёрдамида сирдарёлик Маматқул Ҳайлаевнинг совриндорлар сафидан жой олганини аниқлаб берди. Мусобақа республика ёш иқтидорли шахматчилари учун чинакам маҳорат мактаби бўлди.

ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА

Қўшни республикаларда ўтказилган халқаро турнирларда қатнашган вакилларимиз ҳам Тошкентга қайтиб келдилар. Москвада ўтказилган Халқаро турнирда бухоролик халқаро спорт устаси С. Нодирхонов 9 имкониятдан 6,5 очко жамғариб, жадвалнинг анчагина юқори қисмидан жой олди. Чирчиқлиқ гроссмейстер С. Загребельний билан тошкентлик 16 ёшли мактаб ўқувчиси Р. Қосимжонов ҳам очколарини 50 фоиздан ошириб мусобақани якунладилар.

Минскда ўтказилган халқаро турнир республикамиз экс-чемпиони Саидали Йўлдошев учун муваффақиятли кечди. У кўпгина халқаро унвон соҳибларидан ўзиб, иккинчи соврин соҳиби бўлиб қайтди.

ТЕЗКОР ЎЙИН ҒОЛИБИ

Тошкентда яна бир мафтункор беллашув —тезкор шахмат бўйича Ўзбекистон кубоги ниҳоясига етди. Оддий ўйинлардан фарқли ўлароқ ўйлаш учун рақиблар ихтиёрида оз вақт 15 дақиқага эга эдилар. 52 нафар иштирокчининг энг номдори, халқаро гроссмейстер Григорий Серпер тезкор ўйинда ҳам юксак маҳорат эгаси эканлигини кўрсатди: 11 имкониятдан атиги ярим очко йўқотиб, биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар учун қизғин ва кескин кураш бўлди. Бунда 8,5 тадан очко жамғарган тошкентлик халқаро мастер Рустам Қосимжонов билан андижонлик спорт устаси Иброҳим Каримов маҳорат кўрсатишди. Низомга кўра, Г. Серпер ва қўшимча кўрсаткичлар туфайли 2-ўринга чиққан Рустам тезкор ўйин бўйича Осиё биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Дастлабки саккиз ўринни эгаллаган шахматчилар пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Мамажон МУҲИТДИНОВ, халқаро ҳакам.

КЎРГАЗМА, САВДО ЯРМАРКАСИ ВА ҒАРОЙИБ ТОМОШАЛАР

Модали ва чиройли маҳсулотлар нисбатан арзон нархларда

● Сиз Тикувчилик саноати Ассортимент ва Модалар республика марказидаги ярмаркамизда модали ва чиройли маҳсулотларни улгуржи ва чакана тарзда сотиб олишингиз мумкин.

● Баҳор-ёз мавсуми

газламалари, пойабзаллари, тикувчилик, трикотаж ва чарм-галантерея буюмлари сотилади. Ярмаркада ''Ўзбекенгилсаноат'' уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналари қатнашадилар.

Биз Сизларни 18 ва 19 март кунлари соат 10 дан кутамиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 25.
''Россия'' меҳмонхонаси бекати. Телефонлар: 39-10-53, 39-13-49, 56-05-25.

Ранг-баранг олам

ДАҲОЛАРНИНГ ДАҲОСИ

Америкалик олим Майкл Харт китоб ёзиб, одамларни ҳайратга солди. У ўз китобига ўйи-заминдаги юз нафар буюк даҳони жамлаб, уларнинг тарихга, жамиятга таъсири доирасида фикр юритган. Муаллиф фақат доно, иқтидорли, саховатли одамларнигина тўпламай, айни пайтда зулмдор кишилар ҳақида ҳам мулоҳаза юритган. Тадқиқотчининг маълумотларидан аён бўлишича, Оллоҳнинг Расули — Муҳаммад алайҳиссалом биринчи ўринни эгаллаб, даҳолар сарвари бўлибдилар. Пайғамбаримиз фақат ташкилотчигина бўлиб қолмай, айни пайтда мусулмон динига асос солганликларини кўпроқ аҳамият касб этди. Шу боисдан у киши миллионлаб кишилар эътиқод қўйган Христни учинчи ўринга суриб қўйдилар. Чунки, христианликни ташкил этишни Павел давом эттирган бўлиб, у айни пайтда олтинчи ўринни олди. Тўпланган маълумотлар Будданинг тўртинчи, Конфуцийнинг бешинчи бўлганлигидан далолат бермоқда. Энг қизиғи шундаки, қандайдир сабабларга кўра буюк физик Ньютонга иккинчи ўрин насиб этибди. Гутенберг, Эйнштейн, Пастер, Галилей, Дарвин каби олимлар кучли йиғирмаликка кирдилар. Адабиёт ва санъат намояндаларидан Шекспир, Гомер, Микеланджело, Пикассо, Бетховен, ва Бахлар 36, 94, 49, 96, 42 ва 74-ўринларни эгаллашди. Зеро муаллиф ўз тадқиқоти давомида андай бир ёқламаликка йўл қўйгандек, кўринади. Боиси, унинг ёзишича, Африкадан 3, Лотин Америкасидан бир нафар, Боливия ва Осиёдан 18, АҚШдан 7 нафар даҳо чиқиб, қолган 71 нафари Европада юзага келганмиш. Агар олим Урта Осиё, Хитой ва Ҳиндистонда шаклланган даҳолар ҳақида ҳам фикр юритганда унинг китоби янада мукаммал бўлармиди?!

МУҲАББАТ ЁШ ТАНЛАМАС

Буюк шоир Гетени муҳаббат бобида «суяги» йўқлардан бўлган дейишади. У ёш хотин-қизлар билан муомалада бўлишни хуш кўраркан. Айни пайтда киборлар даврасидаги ўт қарашли ва жуда содда аёллар ҳам маъқул бўлар экан. Шоир охирги марта ўзининг 75 ёшида 18 ёшли қизга муҳаббат қўйиб қолди. Ульрике Левецова деган бу қиз ҳам қарияга шундай муҳаббат қўйган эдики, унинг ҳар қандай инжиқликларини кўтаришга ҳам тайёр эди. Шу боисдан, қизча шоир билан тезроқ никоҳ ўқитилишига розилик билдирди. Улуғ Герцег Карл Август уларни никоҳлаб қўйишга ҳам тайёр эди, аммо киборларга хос уламолар бундай никоҳни нотабиий, деб баҳоладилар. Шоир эса жаҳл билан никоҳни тўхтатди. Гете умрининг охиригача танҳо ўтди. Ульрика эса 96 йил яшаган бўлса-да турмуш қурмади.

«ЛЕАКАДИН» -БЕДАВО ДАРД МАЛҲАМИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Онкология ва радиология институтида Латвиядан Ўзбекистонга хайрия сифатида юборилган, умумий қиймати 25 минг АҚШ доллари турадиган рак касаллигига қарши қўлланиладиган ноёб «Леакадин» дорисини топшириш маросими бўлди. Уни Латвия Фанлар академиясининг органик синтез институти қошидаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи «Хельсия» фирмаси тақдим этди.

Бу хайрия эҳсонини ватандошимиз, ҳозирда Латвияда истиқомат қилаётган, ана шу ноёб дорининг яратилишига бевосита ҳисса қўшган, химия фанлари доктори, «Хельсия» фирмаси президенти Рустам Нуриддинов топширди ва «Леакадин» дорисининг яратилиши ҳақида йиғилганларга батафсил ҳикоя қилиб берди.

Кутилмаган бу янгилик ва ноёб дори хусусида гапириб беришни Онкология ва радиология институти директори, профессор Наримон Муротхўжаевдан сурадик.

— «Леакадин» — ракка қарши ишлатиладиган бошқа дориларидан икки хусусияти билан устун туради: биринчиси, ривожланиб келаётган рак ҳужайраларини ўлдиради, иккинчиси иммунология кучларини оширади. Қолаверса, бизда уни ишлатишда етарли тажриба ҳам бор. Биринчи таассурот ижобий, «Леакадин»ни организмга нохуш таъсири кам.

Зулайҳо СОБИТОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Қорақалпоғистондаги «Жўргиликли саноат» республика саноат-савдо концерни қошида тузилган «Наврўз» акционерлик жамияти тадбиркорликда барчага ўрнак бўлмоқда.

Корхона ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириб, бозорни халқ эҳтиёжи моллари билан таъминлашга катта эътибор берянти. Япония дастгоҳлари ўрнатилган тикувчилик цехида юқори сифатли одеяллар, кўрпача ва тўшаклар, шунингдек, аёллар халати, болаларнинг турли кийимлари ҳамда юмшоқ ўйинчоқлари тайёрланади.

Ҳозирги кунда «Наврўз» маҳсулоти бўлмиш жемпер ва миллий услубда тикилган бош кийимларга талаб кучли эканлиги қувонарли ҳол. Бу ерда яна қорақалпоқ гиламлари ҳам тайёрланади.

Жамоада 70 киши ишлайди. Уларнинг ойлик маоши ўртача 700 сўмни ташкил этади. Бундан ташқари тушган фойдадан бериладиган мукофот пули ҳам бор. Жамоа ўтган йили 600 минг сўмлик соф фойда кўрди.

Яқинда жамият қошида касса аппаратлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Эффтех» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда ойига 16 минг дона аппарат ишлаб чиқарилади.

Жамоанинг келгусидаги режалари анчагина салмоқли: улар тилла тақинчоқлар цехини ҳам очмоқчи.

СУРАТДА: қўли гул тикувчилар янги либос устида ишламоқдалар.

Суратни А. МУРАТОВ (ЎзА) олган.

Шифокор огоҳлантиради

ХАСТАЛИКМИ? ДАВОСИ БОР

Дифтерия ўткир юқумли касаллик бўлиб, уни шу хасталик таёқчалари — коринебактериялар келтириб чиқаради. Касаллик ҳаво-нафас йўли билан тарқалади ва клиник жиҳатдан томоқ ва бурун — халқум шиллиқ пардаларининг фибриноз яллиғланиши, организмнинг умумий заҳарланиши ва юрак-қон томир ҳамда асаб тизималарининг жароҳатланиши билан кечади.

Дифтериянинг маҳаллий (бунда яллиғланиш фақат бодомсимон без ҳудудида жойлашади, тарқоқ яллиғланиш бодомсимон бездан шиллиқ пардаларига тарқалади), токсик (яъни, организмнинг кучли заҳарланиши ва томоқ, буйин тери ости ёғ қаватларининг кучли шишиши билан кечувчи) турлари мавжуд. Унинг орасида энг кўп тарқалгани маҳаллий турларидир. Бу касалликнинг енгил кўриниши ҳисобланиб, асосан бодомсимон безлар яллиғланади. Лекин, ҳамма вақт ҳам бу фибриноз қоплама билан қопланган яллиғланиш аниқ кўринмайди. Айрим ҳолларда эса умуман бўлмайди ҳам. Ёки жуда ҳам оз ва нозик бўлиб, бодомсимон безларнинг йирингли яллиғланиши (лакунар ёки фоликуляр ангина)ни эслатади. Касалликнинг бу турини шу касалликлардан фарқлаш анча мушкул. Фақат шу соҳалар бўйича масъул бўлган тиббиётчилар аниқлай олади.

Дифтерия билан оғриган бемор аввало ўзида шу касаллик борлигини билмайди. Чунки бошлангич даврда бу гўё ангинага ўхшайди. Яъни бош оғриши, лоҳаслик, томоқда кучли бўлмаган оғриқ ва томоқ қизариши билан бошланади. Шунинг учун ҳам бемор ўзини-ўзи даволай бошлайди. Яъни томогини чайқайди, бодом безларини Люголь эритмаси, бриллиант яшили (зеленка), аччиқ тош, йод, айрим ҳолларда эса ҳатто керосин билан ҳам чайқаб, ҳар хил дорилар қабул қилади.

Аммо эслатиб қўяй, юқорида қўллаган бирорта даво чорангиз ҳам кор қилмайди. Чунки бу касалликнинг асосий давоси беморга дифтерия таёқчаларининг заҳарига қарши зардоб юборишдир. У ўз вақтида аниқланмаса ва зардоб юборилмаса, унинг маҳаллий формалари тарқоқ турларига ўтади ва беморнинг аҳволи оғирлашиб, бодом безларидаги яллиғланиш қўпаяди. Атроф шиллиқ пардаларига тарқалиб, буйин, томоқ, тери ости ёғ қабатларининг шишиши пайдо бўлади ва дифтерияга хос бўлган ҳар хил асоратлар ривожланади. Буларнинг орасида энг кўп учрайдигани — миокардит, яъни, юрак мушакларининг яллиғланишидир.

Бундан ташқари, беморларда юмшоқ танглайнинг фалажи ривожланиши мумкин. Унда ютиш жараёни бузилади, суюқ овқат ва сув бурундан чиқа бошлайди. Беморда манқаланиш пайдо бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, дифтерия касаллиги ўз вақтида аниқланмаса ва шошилинч чоралари кўрилмаса, унинг маҳаллий формаси қиқилдоқ дифтериясига ўтиши мумкин. Бу ҳолда дифтерия крупа (дифтериядан бўғилиш) ҳолати юзага келади. Бу оғир ҳолат бўлиб, овознинг бўғилиши, дағал йўтал, кейинчалик эса нафас олишнинг қийинлашиши ва пировардида, ҳаво етишмаслик оқибатида оғир оқибатга олиб келиши мумкин.

Фарҳод КОМИЛОВ, доцент, тиббиёт фанлари номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Х. НОСИРОВ , навбатчи С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 00.10

1 2 3 4 5 6.